

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК-297(32)

К-93

КУШБАЕВ ФАРРУХ ҚЎЧҚАРАЛИЕВИЧ

**Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида дин омилининг ўрни: хилма-хиллик
ва бағрикенглик (замонавий тадқиқот)**

5A120602 - Диншунослик

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:

Т.ф.н. Ҳ.Юлдашходжаев

ТОШКЕНТ-2013

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш	3
I боб.	Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий таъриф	10
1.	Қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий-диний ҳаёт.....	11
2.	Замонавий Ҳиндистон ички сиёсатида дин омилининг ўрни	25
	I боб бўйича хулоса	28
II боб.	Ҳиндистон ижтимоий-маданий ҳаётида диний бағрикенгликнинг тарихий асослари	29
1.	“Ману қонунлари”да диний бағрикенглик асосларининг акс этиши	29
2.	Акбаршоҳнинг диний ислоҳоти ва унинг мазмун-моҳияти ..	35
	II боб бўйича хулоса	49
III боб.	Замонавий Ҳиндистон жамиятида диний бағрикенглик сиёсатини олиб боришнинг ўзига хос тамойиллари	50
1.	Диний можаролар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари	50
2.	Замонавий Ҳиндистонда диний бағрикенглик тамойиллари кўринишлари	64
	III боб бўйича хулоса	72
	Хулоса	73
	Иловалар	75
	Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	79

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Олдимизга қўйган олий мақсадларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо қилди.

Миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Дунёдаги барча давлатлар аҳолиси миллий таркибига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси моноэтник (аҳолиси асосан бир миллат вакилларида иборат) ва иккинчиси полиэтник (кўпмиллатли) давлатлардир¹.

Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибига кўра иккинчи гуруҳга, аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 136 та миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Республикамиз аҳолисининг 80 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам

¹ Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик - тараққиёт омили / Ш.С. Сирожиiddинов.
<http://fikir.uz/posts/samdchti/13051.html>

мамлакатимизда бу масалага мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб катта эътибор бериб келинмоқда².

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, қуйидагича таъкидлаган: “Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил киладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданиятини ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”³. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди, жамият тараққиёти учун имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”⁴, деб аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, 4-моддада эса “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”⁵, дейилган. Айнан шу нуқтаи назарлардан келиб чиқиб тадқиқотнинг долзарблиги ўз исботини топади.

Мазкур диссертация ишининг долзарблиги шундаки бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув жараёни шиддат билан кетмоқда. Оламнинг бир бурчида содир бўлаётган вақеа ҳодисалар фақат шу ҳудуд ёхуд шу минтақа билангина чекланиб қолмай қисқа вақт ичида бутун жаҳонга ёйилиб улгурмоқда. Ўзбекистон ҳам халқаро ҳамжамятнинг тўла

² Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик - тараққиёт омили / Ш.С. Сирожиддинов.
<http://fikir.uz/posts/samdchti/13051.html>

³ И.А.Каримов.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: 2012. – Б. 5.

⁵ Ўша манба. –Б. 5

ҳуқуқли аъзоси сифатида унда юз бераётган жараёнлардан четда бўла олмайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат бўлиб, мамлакат ҳудудида ўн олтита диний конфессия мавжуд бўлгани ҳолда, юздан ортиқ миллатлар истиқомат қилади. Улар орасида ўзаро соғлом муҳитни вужудга келтириш учун диний бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада бой тарихимизга таянган ҳолда атрофимиздаги давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Биринчидан, бугунги кунда дунё ҳамжамияти мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда маданий бағрикенглик, турли миллат ва динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, глобаллашув шароитида бирор бир минтақада тоқатсизлик ва низоларнинг кучайиши дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Бундай таҳдиддан миллий чегаралар ортига беркиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий хусусиятга эгадир⁶.

Юртимиз осойишталиги, жамиятимиз тараққиёти, инсон камолотини таъминлайдиган умуминсоний қадриятларни белгиловчи мезонлардан бири маданий бағрикенгликдир.

Учинчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштиришда ўзига хос тажриба орттирилди.

Шу боисдан ҳам ижтимоий бағрикенглик масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши:
Диссертациянинг объекти кўп конфенсияли жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда Ҳиндистон ҳукуматининг олиб бораётган

⁶ The Clash of civilizations /Samuel Huntington-Professor of the Science of Government and Director of the John M. Olin Institute for Strategic Studies at Harvard University. Foreign Affairs. 1993. – 4 p.

сиёсати ва амалга ошираётган ишларини илмий таҳлил асосида тадқиқ қилишга қаратилган. Мазкур ишнинг предмети сифатида эса Ҳиндистон жамиятидаги динларининг ҳилма-ҳиллиги ва уларда бағрикенглик тамойилларининг акс этишини, улардаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларининг таҳлили белгилаб олинди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Тадқиқотнинг мақсади Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида дин омилининг ўрни, бугунги кунда мавжуд бўлган таълимотларнинг асл ғояси ва уларнинг жамиятда тинчликни сақлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- диний омилнинг жамият тараққиётини тaminлаш борасидаги ўрнини кўрсатиб бериш;
- диний бағрикенглик тушунчасининг маънавий асослари ва тарихий-қиёсий жиҳатларини илмий-назарий таҳлил қилиш;
- Ҳинд халқи ижтимоий ҳаёти ва тараққиётида диний бағрикенглик тамойилларини тарихий ва замонавий мезонлар асосида ўрганиш, унинг кўп конфессияли бўлган мамлакатимиз учун нечоғли аҳамиятли эканини аниқлаш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Диссертациянинг асосий мақсади диний бағрикенгликнинг жамият ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш борасида ўзига хос ўрин тутишини, қайсики бир жамиятда ёки ҳудудда диний бегоҳатлик юзага келса унинг охири юзлаб балки, минглаб беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига сабаб бўлишини кўп конфессияли бўлган Ҳиндистон давлати мисолида очиб бериш.

Ўзбекистон халқи ўзига хос ва мос тарихий тажрибага эга. Айни вақтда тарихан яқинлиги бор бўлган, нисбатан ўтмиши ўзаро яқин халқларнинг кечмиши ва тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Ҳозирги кунда дунё турли ахборот ва мафкуравий ғояларга тўлиб бораётган глобаллашув

шароитида турли дин ва маданият вакиллари билан мулоқот қилиш маданияти масалалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлиги сир эмас. Мамлакатимизда маданий ва диний бағрикенглик мазмун-моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маданиятшунослик ва диншунослик муаммоларини тадқиқ қилган юртимиз олимлари А.Очилдиев, У.Қорабоев, З.И.Мунавваров, А.А.Ҳасанов, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.С.Кароматов, М.А.Ражабова, М.Имомназаровларнинг⁷ асар ва тадқиқотлари маданий ва диний бағрикенглик масалаларини ёритишга маълум маънода ёрдам беради.

Шунингдек, қадимдан аجدодларимиз Ҳиндистон ўлкаси билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ўзаро алоқада бўлганлар. Марказий Осиёдан чиққан кўплаб саркардалар, олим-у савдогарлар Ҳиндистонга сафар қилишга иштёқманд бўлганлар. Шу сабабдан ҳам Ҳиндистон ва у ернинг табиати, иқлими, аҳолиси, уларнинг турмуш тарзини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Бу борада Абу Раёхон Берунийнинг “Ҳиндистон”⁸, Мирзо Бобурнинг “**Бобурнома**”⁹ каби асарларини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳиндистон динлари ва таълимотларини ўрганиш борасида юртимизда кўзга кўринган фан арбобларидан

⁷ Ислом ва дунёвий-маърифий давлат /З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. -Т.:Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. -292 б.; Ўзбекистон: динлараро ҳамжиҳатлик – тинчлик гарови /А.Ҳасанов, З.Мунавваров, Ш.Сирожиддинов. -Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. -48 б.; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. -Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2008. -664 б.; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари /Масъул муҳаррир А.Очилдиев. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. -246 б.; Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. -124 б.; Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: Мовароуннахр, 2000. - 163 б.; Каримов И. Философский анализ гнесеологических, психологических и социологических особенностей феномена веры: Автореф. дисс. ... док.филос.наук. - Т.: 1993. - 58 б.; Имомназаров М. Огоҳ бўлайлик. -Т.: Академия, 1999. -162 б; Қорабоев У. Маданий тадбирлар. Т.: Шарқ, 2007. 235 б.

⁸ Ал-Беруний, Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад. Танланган асарлар. Т. II / **Ҳиндистон**/Таржимон А.Расулов. изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган. Масъул муҳаррирлар: И.Абдуллаев ва О.Файзуллаев/. -Т.: Ўзбекистон ССР Фан. акад. Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик ин-ти

⁹З.М.Бобур. Бобурнома.Т.: Ўқит

И.Низомиддинов, Н.Низомиддиновларнинг илмий изланишлари эътибога лойиқдир¹⁰.

Ҳиндистон ижтимоий ҳаёти ва у ердаги диний вазиятни ўрганиш борасида ғарбда кенг қамровли илмий тадқиқотлар қилинган. Бу борада француз олими Абел Берген, Богле, Браин Смис, Фридрих Максимилиан Мюллер, С.Баметтларнинг сингари олимларнинг ишларини келтириш мумкин¹¹. Рус олимлари тарафидан ҳам Ҳиндистон ва унинг тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Жумладан: Герасим Степанович Лебедев, Маргарита Федоровна Альбедиль, Владимир Гансович Эрман, Ирина Петровна Глушкова, Владимир Иванович Кальянов кабиларнинг изланишлари эътиборга лойиқдир¹². Бундан ташқари, турли цивилизация, маданиятлар ва ижтимоий-этник бағрикенглик билан боғлиқ масалалар ҳам олимлар томонидан кенг ўрганилган ва ўрганилмоқда. Жумладан, Х.Кельзен, Я.Симонидас, В.Володин, К.Уелслар¹³ ўз асарларида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратганлар. Ғарб олимларидан

¹⁰ Из истории среднеазиатско-индийских отношений. Т.: Изд. "Узбекистан". 1969.; Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди ва маданияти / Н.Низомиддинов. Т.: Ўз. Р.ФА Далат Адабиёт музейи, 2010. –Б.625

¹¹ «Quarante hymns du Rig-Véda, traduits et commentés» par Bergaigne, Abel Henri Joseph, 1838-1888; «Essays on the Caste System». Bouglé, Célestin. London: Cambridge UP, 1971.; «Classifying the Universe: the Ancient Indian Varna System and the Origins of Caste» Smith, Brian K.. New York: Oxford UP, 1994.;

"Introduction to the Science of Religion". Max Muller. 1873.; «Concepts of a person: kinship, caste, and marriage in India». Ostor, A, L. Fruzzetti, and S. Barnett. (1982). Cambridge, MA: Harvard University Press, 1982. Velassery, Sebastian. Casteism and Human Rights: toward an Ontology of the Social Order. Singapore: Marshall Cavendish Academic, 2005. Print.

¹² «Беспристрастное созерцание систем восточной Индии брагменов священных обрядов и народных обычаев» / Герасим Лебедев. Ярославл. 2009.-Б. 209.; «Индуизм. Главная религия Индии». Маргарита Федоровна Альбедиль. Санкт-Петербурга: Питер, 2005. –Б. 246.; «Очерк истории ведийской литературы». Владимир Гансович Эрман. — М.: Наука (ГРВЛ), 1980. — 232 с.; «Home and House in Maharashtra» (in co-editorship with Anne Feldhaus). Ирина Петровна Глушкова. New Delhi: Oxford University Press, 1998.

¹³ Kelsen H. Law of the United Nations. - N.Y.: 1950. – 330 p.; Symonides J., Volodin V. UNESCO and Human Rights. Standart-setting instrument, major meetings, publications. Second edition. – Paris: UNESCO, 1999. – 537 p.; Wells C. The UN, UNESCO and the politics of knowledge. – London: The Macmillan Press, 1987. – 270 p.

К.Делевуа, К.Дебуа, Ж.Кэпель, Р.Леволар¹⁴ ўз тадқиқотларида ҳудудлар бўйлаб диндорлар сони нисбатининг ўзгариб бориши натижасида вужудга келаётган муаммолар, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг бу минтақаларда намоён бўлиш сабаблари, динлараро тотувлик ва бағрикенглик масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар. Мазкур муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, жумладан, бу борада таълим соҳасининг аҳамияти Э.Вейсель, Э.Умберто, Ж.Делор¹⁵ асарларида кенг очиб берилган.

Лекин, Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида диний омил ва уни ўзаро бағрикенглик тамойиллари асосида тинчликни таъминлашдаги роли ҳамда аҳамиятини ўрганиш деярли мазкур тадқиқотларнинг мақсадига кирмаган.

Ҳиндистондаги динларни ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинган бўлсада, Ҳиндистонда мавжуд динларнинг алоҳида ўзига хос жиҳатлари ва уларда илгари сурилган ғояларни жамиятга таъсирини таҳлилий ўрганиш борасидаги ишларни ҳам ҳали тугал деб бўлмайди.

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида, кўпроқ, Европа олимлари тадқиқотлари ва инглиз ва рус тилидаги манбалар асосида амалга оширган илмий ишларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача таҳлили:
Тадқиқотда тарихий қиёсий таҳлил, ретроспектив, дедукция ва индукция методларидан кенг фойдаланилди. Баркамол авлодни тарбиялашга оид бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллатлараро тотувлик, диний

14 Christophe Deloire et Christophe Dubois. Les Islamistes sont déjà là edition Albin Michel. 2004. - P. 348.; Gilles Kepel. Fitna, guerre au coeur de l'islam. Editions Gallimard, 2004, - Paris. - P. 380.; Kepel G. et Leveau R. Les musulmans dans la société française. - Paris, Sodis, 1988. - P. 202.; Elie Wiesel, Umberto Eco. Académie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance; UNESCO, 27 mars 1997, la Sarbonne, 28 mars 1997. – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998 . - P. 294.

15 Elie Wiesel, Umberto Eco. Académie universelle des cultures (France). L'intolerance: Forum international sur l'intolerance; UNESCO, 27 mars 1997, la Sarbonne, 28 mars 1997. – Paris: Editions Grasset & Fasquelle, 1998 . - P. 294.; Jacques Delor. Learning: the Treasure Within, Report to UNESCO of the International Commission on Education for the Twenty-first Century, UNESCO, 1997. - P. 75.

бағрикенгликни тaминлашга оид қарорлари, фармонлари; юртимиз ва хорижлик олимларининг мазуга доир фикрлари ва илмий хулосаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотнинг назарий аҳамияти, мавзу доирасида ўрганилган масалалар моҳиятини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади ва кейинги тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилишидадир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг Ўзбекистон каби кўп конфенсияли ва кўп миллатли давлатда фуқаролар ўртасида диний тенг ҳуқуқлиликни тaминлаш борасида чет давлатларнинг тажрибасини билиш борасида аҳамиятлидир.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги: Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- Ҳиндистон динлари ва уларнинг жамиятга таъсирини ўрганиш борасида замонавий тадқиқот олиб борилди;
- Ҳинд жамиятида диний омилнинг ўрни илмий, тизимли равшда тарихан ўрганиб чиқилди;
- Ҳинд халқи тарихида диний, ҳуқуқий, ахлоқий меёрлар тўплами сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Ману қонунлари” ва Акбаршоҳнинг диний ислоҳоти илмий таҳлил қилинди;
- Тадқиқот натижаларига кўра хулоса, мулоҳаза ва таклифлар берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи: “Ҳиндистон ижтимоий ҳаётида дин омилининг ўрни: хилма-хиллик ва бағрикенглик (замонавий тадқиқот)” мавзусида қилинган мазкур диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, 3 боб, 6 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I боб. Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий таърифи

1. Қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий-диний ҳаёт

Шарқ қадимдан инсоният бешиги ҳисобланади. Хосилдор водийларда дастлабки маданият ўчоқлари шакллана борган. Айни мана шу замон ва макондан ибтидоий ижтимоий, ахлоқий, эътиқодий ва таъбир жоиз бўлса сиёсий мезонлар пайдо бўлиб, ривожланган. Шу боисдан ҳам қадимги римликлар ўзаро “Ех Oriente lux” (Зиё шарқдан таралади) иборасини кўп ишлатишган¹⁶.

Қадимги Миср, Месопотамия, Эрон, Марказий Осиё, Хитой каби ҳудудлар маълумки, инёсоният маданияти тарихида ўзига хос ўрин тутди. Ана шундай ноёб маданият ўчоқлари сирасига шубҳасиз Ҳиндистонни ҳам қўшиш мумкин. Ҳинд маданияти айтиш мумкинки, шарқдаги ўзига хос ва сирли маданиятлардан биридир¹⁷.

Ҳиндистон мамлакати шу номдаги улкан ҳудуддаги яриморол ҳамда Осиё қитасининг Ҳинд ва Ганг дарёлари водийларидаги бир қисмини эгаллаган мамлакат. Табиий шароити жиҳатдан бу диёр Миср ва Месопотамияга ўхшаб кетади. Иссиқ иқлим ва сув билан бирга серунум лойқани оққизиб келаётган кенг ёйилиб оқадигон дарёлар деҳқончилик вужудга келиши ва ривож топиши учун кенг имконият яратади. Ҳимолай тоғлари шимоли шақдан табиат ва инсон тажовуздан ўзига ҳос таъбий мудофа девори бўлиб ҳизмат қилади.

Қадимдан Ганг водийсидаги тропик ўрмонлар улкан дарахтлар ва ранг-баранг ўсимликларга бой бўлган.

¹⁶ Васильев Л.С. История Востока. –М.: “Юрайт” издательство, 2013. – С. 37.

¹⁷ Шишова Н.В., Акулич Т.В., Бойко М.И. и др. История и культурология. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Логос, 2000 — С. 267.

Ҳиндистон ҳудудида илк одамларнинг айнан қачондан бошлаб истиқомат қила бошлаганлиги тўғрисидаги фаразлар фақатгина таҳминларгагина таянади.

Тарих китобларида келтирилган манбаларга кўра ҳали милoddан аввалги III минг йиллик бошларидаёқ Ҳинд дарёси водийси ва Панжобда кўп сонли аҳоли истиқомат қилувчи марказлар пайдо бўла борган. Тез орада эса уларнинг негизида катта шаҳарлар вужудага келган. Мохенджо-Даро ва Хараппа шаҳарлари Ҳинд дарёси ҳавзасининг энг йирик цивилизация ўчоқларидан эди. 1922 йил илк бор ҳинд олими Банерджи ва инглиз олимлари Маршал ва Маккеймлар тарафидан топилган мазкур шаҳарларнинг ҳаробалари қадимги Ҳиндистон тарихи борасида кўплаб сирларни очиб ташлади¹⁸. Ўтган аср археологларининг олиб борган илмий изланишлари ва археологик қазув ишлари натижасида мазкур шаҳарлар тарихи бўйича жуда кўплаб маълумотлар қўлга киритилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, иккала шаҳар ҳам мустаҳкам муҳофа деворлари билан ҳимояланган ва айнаи вақтда шаҳарлар марказида ички қаср жойлашган бўлган. Қазилмалар жараёнида шунингдек, кўчалар билан бир-биридан ажратилган мавзеларда пишган ғишдан қурулган уйлар топилди. Бу шаҳарларда аниқланган яна ўзига хос иншоотлардан бири сопол қувурлар орқали чиқинди сувларни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлашга мўлжалланган канализация тизимининг мавжудлигидир¹⁹. Шунингдек, манбаларда келтирилишига кўра Мохенжо-Даро аҳолиси моҳир кулол, заргар ва сангтарош эди. Бундан ташқари улар деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам фаол шуғулланганлар.

Қадимги Ҳинд водийси ва Панжоб аҳолиси ўз ёзувига эга бўлишган. Бу ҳақда Мохенджо-Даро ва Хараппа шаҳарлари ҳаробаларидан топилган

¹⁸ С.А Токарев. Религия в истории народов мира. –М. Издательство политической литературы, 1976. – С. 275 .

¹⁹ Васильев Л.С. История Востока. –М., “Юрайт” издательство. 2013. – С. 381 .

турли буюмларнинг сиртларига туширилган инсон тасвири билан бирга келтирилган расмли белгилар дарак беради. Афсуски, бу белги-хатни ўқиш борасида олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан ҳали бирор бир натижага эришилмаган ва олимлар ўртасида уларнинг маъноси бўйича яқдил хулосага келинмаган. Баъзи олимлар ҳинд белги-ёзуви 400 та белгидан иборат бўлган деб тахмин қилса, бошқа бири 250 та ва учунчи бошқаси 300 та деб ҳисоблайдилар. Бу хат нинг пайдо бўлиш асослари тўғрисида ҳам худди шундай вазиятни кузатиш мумкин. Мазкур хат турининг асли келиб чиқиш илдизлари қадим шумер миҳхатига бориб тақалишини даъво қиладиган мутахассислар сони қанча бўлса, қадимги хетт ёзувига мансуб деб фикр билдирадиганлар ҳам улардан кам эмас²⁰.

Шундай бўлсада, бу ёзувнинг сирини қадимги ҳиндларнинг ўзидан излаш эҳтимол, мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Қадимги Ҳиндистонда истиқомат қилган инсонлар ўзига яраша илмий салоҳиятга эга бўлишган ва бир қатор маданий ютуқларга ҳам эришганлар.

Қадимги ҳиндларнинг яшаш тарзи нисбатан қадимги мисрликлар ва бобилликларга ўхшаш бўлган. Улар ҳам табиатнинг кўпдан кўп ҳодисалари қаршисида ўзларини ожиз сезар ва тропик жалалар, сув тошқинлари, қурғоқчиликдан кўрқардилар. Ҳиндлар тасаввурида табиатни инсонлар ҳис қила олмайдиган, айнаи вақтда қудратли бўлган кучлар - "худолар" бошқараётгандай туюларди. Шу боис улар ўз тасаввурлари доирасида "худоларни" танишга, уларни атрофдагиларга тасвирлаб беришга ҳаракат қилганлар. Бунинг оқибатида турли ривоят ва афсоналар пайдо бўла борган. Мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкинки, Қадимги Ҳинд ривоятларида айтилишича, Қуёш худоси ҳар тонгда олтин аравада осмон бўйлаб йўлга тушади. Қуёш тунги зулматни

²⁰ Шишова Н.В., Акулич Т.В., Бойко М.И. и др. История и культурология. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Логос, 2000 — С. 67.

пароканда қилиб ташлаб, одамларга ҳарорат ва ёруғлик улашиш ниятида уфқдан бош кўтаради. Шунингдек, бошқа бир ўринда келтирилишича, Момақалдиروق "худоси" осмондаги сувни тутқунликдан халос этгач, Ер юзида қурғоқчилик поёнига етибди.

Қадимги ҳиндлар ўз "худолар"ини юксак қадрлаганлар ва уларга сидқи дилдан хизмат қилиб, ўз мушкулларини осон қилишга ишонганлар. Уларнинг ўз "худолар"ига қилган энг катта эҳтиромларидан бири бу уларга атаб қурбонлик келтириш бўлган. Бу борада энг юксак баҳодаги қурбонлик инсонларни қурбон қилиш бўлган. Кейинги ўринларда эса от, хўкиз, қўй ва эчки тартибида кетган.

Шунга қарамай мутахассисларнинг фикрига кўра қадимги ҳиндларнинг диний эътиқоди тотемистик кўринишда бўлиб, улар асосан айрим ўсимликлар, жисмлар ва табиат ҳодисаларини ўзларига "худо" қилиб олганлар.

Ушбу ҳолат эса Қадимги Ҳиндистондаги ижтимоий ҳаёт бошқа шарқ халқлари турмуш тарзига яқин ва ўхшашлигини кўрсатади.

Лекин, бизга тўлиқ маълум бўлмаган сабабларга кўра қадим Ҳиндистонда ижтимоий ҳаёт милoddан аввалги XVII асрдан аста-секин сусайиб борган. Бу жараённинг давом этиб бориши Хараппа ва Моҳенжо-Даро маданияти асрлар қаърига изсиз йўқолиб кетиши билан якун топган. Тўғри, кўпгина илмий адабиётларда уларнинг таназзули сабаби сифатида табиатдаги иқлим ўзгаришлари ёки мамлакатга орийлар хужуми келтирилади. Шундай бўлсада, эътироф этиш керак бўлган ҳақиқат шуки, ҳали орийлар кириб келгунга қадар бу шаҳарлар путурдан кетиб, аҳоли уларни тарк этиб кета бошлаган эди.

Ҳиндистон тарихини ўрганиб чиқиш борасида шу нарса маълум бўладики, Қадимги Ҳиндистоннинг илк шаҳарлари инқирозга юз тутган бўлишига қарамай, бу ерда ҳаёт тўхтаб қолмади. Аксинча, шимолдан орий кабилаларининг кириб келиши натижасида Ҳиндистонда ижтимоий ҳаёт

яна янгидан ўзига хос тарзда қайта ривож топди. Тарих манбаларида келтирилишича, милoddан аввалги иккинчи минг йилликлар ўрталарида Ҳиндистон, Панжоб ҳудудига ғарбдан Ҳиндикуш довони орқали орий жангари қабилалари бостириб келганлар. Ўзларини “асл насл”ли кишилар деб билган орийлар ҳиндистон заминига фақатгина талончилик учун келмаган бўлиб, мана шу ҳудудга ўрнашиб, истиқомат қилиб қолдилар ва асрлар ўтиб уларнинг бу ерда амалга оширган ишларининг тарихи ҳинд халқининг тарихига айланиб кетди.

Айнан орийлар кириб келиши билан ҳиндларнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний турмуш тарзида деярли тубдан ўзгаришлар юз берди. Ҳинд жамиятида ўзига хос жиҳатлардан бўлган каста табақаларининг ибтидоси ҳам шу даврга бориб тақалади.

Маълумки, орийлар ўзлари билан олиб келган таълимотлар ичида диний таълимот энг асосийси бўлган. Ҳиндистон динлари тарихи орийлар кириб келган даврдан бизнинг кунимизгача ўтган вақт оралигида, одатда, учта йирик даврга бўлиб ўрганилади. Ведалар даври, Брахманлик ва Ҳиндуийлик²¹.

Ҳинд динлари тарихини ўрганишда сўзсиз Ведаларнинг ўрни бекиёсдир. Ведалар диний муқаддас матнлар ҳисобланиб, уларда ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий воқеалар баён этилган. Мазкур матнлар хорижлик олимлар тарафидан катта қизиқиш билан ўрганилган. XIX асрдан бошлаб европалик олимлар, хусусан, Э.Бюрнуфом ва Макс Мюллерлар томонидан чуқур ўрганилган. Айни Ведаларни ўрганиш фанда динларни ўрганиш бўйича мифологик мактабнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ведалар тўрт йирик тўплам (самхита)дан иборат:

Ригведа (Мадҳиялар);

Самаведа (Қўшиқлар);

²¹ С.А Токарев. Религия в истории народов мира. –М. Издательство политической литературы, 1976. С. 276 .

Яжурведа (Қурбонликлар);

Атхарваведа (Афсун ва жодулар);

Умуман олганда Ригведа худоларга айтилган мадҳиялар тўплами, диний ёдгорликлар бўлиб, унинг таркибига 1028 та мадҳия киритилган. Ушбу китобнинг аҳамияти шундаки, у қадимги орийларнинг илк диний тушунчаси ҳақида анчайин аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, унда Шимолий Ҳиндистонда милоддан аввалги II-I минг йилликларда юз берган тарихий воқеалар тўғрисида қимматли маълумотларнинг мавжудлигидир.

Ригведадан кейинги ўринда турувчи манба бу Самаведа бўлиб, у бугунги кунимизга қадар икки таҳрирда етиб келган Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Ranayaniya).

Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақат 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеър ва кўшиқлар тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўплам икки қисмдан иборат: биринчи қисм ҳажми Агни, Индра, Сама худоларига, иккинчи қисм Сомага қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган кўшиқлардан иборат. Ҳиндистонда ҳозирда ҳам ведаларни куйга солиб куйловчилар-самовединалар сақланиб, уларнинг мактаблари мавжуд.

Яжурведа шраута (қурбонлик маросими) билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари-яжус ташкил этади. Бу маросимлар тўлин ойли тунда, янги ой чиққанда, Агни учун ўтказиладиган қурбонликлар билан боғлиқдир.

Яжурведа таркибий жиҳатдан асосан “Маросим”, “Яжус ва мантралар” ва “Брахманнинг шарҳлари”дан иборат.

Ведалар ичида энг кейин пайдо бўлгани Атхарваведа ҳисобланиб, унинг таркибига асосан милоддан аввалги I минг йиллик бошларига бориб тақаладиган қадимий ҳинд афсунлари киритилган. Атхарваведа

афсонавий руҳоний Атхарвана (“Олов руҳонийси”) номи билан боғлиқ бўлиб, афсун ва жодулар ўша даврда олов устида бажарилган.

Орийлар Ҳиндистонга кириб келган даврда уларнинг дини политеистик (кўп худолик) кўринишда бўлган. Илоҳларнинг сони нечта эканлиги борасида табиийки, аниқ бир фикрни айтиш қийин. Баъзи тарихий хужжатларда уларнинг миқдори ўттиз учта эканлиги ҳақида баёнлар мавжуд²².

Одамларнинг ибодат қилиши Веда матнларига кўра икки ҳил усулда белгиланган. Бири Худолар номига қилинадиган дуолар, иккинчиси уларга атаб қилинадиган қурбонликлардан иборат бўлган. Даставвал, манбааларда келтирилишича ибодатлар фақат қурбонликлар шаклида амалга оширилган. Унда маъбудларга куйдирилган мой, нон ва ниҳоят, сув ёки сут билан аралаштирилган сома ичимлиги тортилган. Шунингдек, ҳайвонлар (масалан, от) ҳам қурбонлик қилинган. Вақт ўтиши билан бу маросимлар мураккаблашиб борган. Қурбонлик банда билан худо ўртасидаги келишув маъносида қабул қилинган. Масалан, инсон бир нарсага муҳтож бўлса, худога қурбонлик қилган ва шунинг баробарида ундан ўз эҳтиёжини қондиришни сўраган. Кейинчалик Ригведа, Атхарваведа каби мадҳия ва дуоларни ўзида жамлаган китоблар пайдо бўлгач, ибодатнинг иккинчи кўриниши – худоларга атаб дуо ва мадҳиялар ўқиш одат тусига кирган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Веда матнларида ўлим ва нариги дунё билан боғлиқ масалалар деярли эсланмайди. Инсонлар буюрилган барча ҳаракатлар шу дунёдаги ҳаётни фаровон этишга қаратилган, у дунё масаласи эса аксинча очиқ қолдирилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, орийларда моддийликка бўлган интилиш кучли бўлган.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг бошларига келиб ҳиндларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Орийлар Ганг ва

²² С.А Токарев. Религия в истории народов мира. –М. Издательство политической литературы, 1976. С.277.

хинд дарёлари ҳавзасини эгаллаб, бу ҳудудларда бир қатор майда давлатларга асос солдилар. Бир тузумдан бошқасига ўтиш маҳаллий аҳоли – дравидлар ва мундларга ҳам катта таъсир кўрсатди. Маҳаллий аҳоли ва босқинчилар ўртасида ҳаётнинг барча соҳалари бўйича қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган. Лекин, бу курашларда орийларнинг қўли баланд келган. Шунингдек, бу орада орийлар асос солган майда давлатлар ўзаро рақобат киришганлар. Ганг дарёси бўйидаги Магадҳа подшолиги кучайиб, атрофидаги бошқа давлатларни ўз ҳудудига қўшиб ола бошлаган ва тез орада у бутун Шимолий Ҳиндистонни бирлаштирган марказлашган давлатга айланган.

Айни шу вақтдан Ҳиндистонда, бугунги кунимизга қадар ўзига хос тарзда бу мамлакатда сақланиб қолган, каста тизимининг асослари барпо бўла борган.

Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлган. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, махсус вақт ажратганлар. Натижада ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар табақаси (кастаси) вужудга келди. Брахманликка хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилни ўзгартириб бўлмаслигидир. Худди шу бир тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб бориши брахманликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир.

Брахманлар табақаси орийларнинг Ҳиндистон ҳудудига кириб келишларидан олдин шаклланган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо улар илк даврда катта мавқега эга бўлмаганликлари учун уларнинг қачон ва қандай қилиб асосий нуфузга эга бўлган даврларини билиш муҳим. Орийлар Ҳиндистон бўйлаб ҳарбий юришларини давом эттирганлари

сайин камроқ қаршиликка дуч келардилар. Натижада кшатрийлар (жангчилар) табақаси тобора эътибордан четга чиқиб, босиб олинган ерлардаги халқлар орасида тартиб ўрнатиш учун диний-руҳий жиҳатдан таъсири кучлироқ бўлган бошқа табақа – брахманларнинг нуфузи ошиб борди. Чунки брахманлар диний маросимлардан ташқари ҳуқуқ, урф-одат каби соҳалардан ҳам хабардор эдилар.

Брахманлар ўз номларини тузган динларигагина эмас, жой номи (Брахмания) сифатида, бутун бошли фан ва санъатга (брахманлик шеърят, тиббиёт, математикаси каби) ном қилиб бердилар. Улар ўзларининг келиб чиқишларини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган етти ришидан деб ҳисоблайдилар. Мадҳияларнинг илк муаллифлари бўлган шоирлар, тилшунослар ва ҳозиржавоб кишилар ўз касбларини авлодларига узатганлар. Веданинг ўзида айтилишича, «ражарши» («риши-подшоҳ»)лар баъзан шундай мадҳияларнинг муаллифлари бўлганлар.

Брахманнинг нуфузи қай даражада юқори кўтарилиб, уларга фавқулодда қанчалик катта имкониятлар берилган бўлса, уларнинг гарданига шу қадар масъулаятли иш ҳам юклатилганг эди. Брахманнинг ҳаёти тўлиқ, қатъий белгиланган тартиб қоидалар асосида ўтиши белгилаб қўйилган бўлиб, у бутун умри давомида хато иш қилиб қўймаслик учун доим аввалдан тузиб чиқилган ҳаёт тарзига қаттиқ амал қилиши лозим бўлган. Агар, қайси бир брахман бу тартибни бузса брахманлик таълимотида мазкур табақа вакилига берилган барча имкониятлардан маҳрум этилган. Брахманлик динига оид барча кўрсатмалар ўша даврнинг диний ва ҳуқуқий қонун-қоидалари тўплами бўлган “Ману қонунлари”да ўз аксини топган²³.

Брахманлик таълимотида белгиланган каста тизими шубҳасиз, юқори табақа вакилларига катта имкониятлар очиб бергани ҳолида қуйи табақа

²³ Мазкур қонунлар тўплами бўйича кейинги бобда батафсил маълумот берилади.

вакилларига оғир ва туганмас меҳнат ҳамда, кўплаб мажбурий чекловларни юклаб қўйган эди. Бунинг натижасида жамиятда мавжуд тизимдан ва диний таълимотдан норози инсонлар сони ортиб бориши оқибатида юқори табақа вакиллар билан қуйи табақа вакиллари ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашиб борди. Бу вазиятда инсонларнинг муаммоларига ечим топишни ўз олдига мақсад қилган бир қатор таълимотлар пайдо бўлди. Улар қаторига жайнлик ва буддавийлик таълимотларини киритиш мумкин. Бу икки таълимот деярли бир вақтда милоддан аввалги VI-V асрларда вужудга келиган бўлиб, уларнинг иккиси ҳам кастачилик тизимига қарши эди. Бу эса уларнинг бир бирига яқин табақадаэканлигини кўрсатади.

Жайнийлик (санскритча “жина” - “музаффар” сўздан олинган) таълимотига афсонавий Вардхаман Махавира - Жина асос солган деб ишонилади. Бу таълимотга кўра бутун борлиқ ёвузликка тўла ва инсон ўзини улардан халос этмоғи лозим. Бунинг асосида мазкур таълимот издошлари орасида таркидунёчилик кучли ривожланган. Хаттоки, унинг дигамбар – “нур билан кийинганлар” номли йўналиши вакиллари устларига кийим кийишни ҳам ортикча деб биладилар. Шунингдек, Жайнпарастлар ўзларига ҳеч бир жонзотни ўлдирмасликни қатъий қоида қилиб олганлар. Шу боис ҳам тасодифий бирор тирик жонга зарар етказиб қўймаслик учун ўта хассос ишларга қўл урганлар. Жайнпарастлик Ҳиндистонда бугунги кунга қадар етиб келган таълимотлардан бири ҳисобланади. Ҳиндистон ҳукумати томонидан 2001 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижаларига кўра жайнийлик динига эътиқод қилувчилар мамлакатда 4.2 млн кишини ташкил қилар экан²⁴.

Жайнийликдан фарқли ўлароқ Буддавийлик ақидалари нисбатан бошқача хусусиятга эга эди. Аввало, Буддавийликда барча инсонларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эълон қилинган, сўнгра одамларга бошқа диний

²⁴ http://censusindia.gov.in/Census_Data_2001/Population_by_religious_communities.htm

таълимотларга нисбатан кенгроқ имкон берилган. Буддавийлик Жайнийликдан фарқли ўлароқ кенг ҳудудларга тарқалди. Бунинг сабаби сифатида унинг икки ўз даврининг йирик салтанати – Маурья ва Кушонлар даврида давлат дини даражасига кўтарилганлигини ҳам келтириш мумкин.

Юқорида баён этганимиздек уч даврнинг сўнгиси бу Ҳиндуийлик бўлади. Ҳиндуийлик мураккаб дин бўлиб, у айнаи вақтда турли динлар қоришмасидир. Такидланиши жоизки, Ҳиндуийлик табақачилик тизими асосига қурилган. Брахманлар халқнинг сабр косасини тўлдирган Брахманликнинг Будда олиб келган янги таълимотга дош бера олмаслигини биринчилардан бўлиб англаб етганлар ва мазкур таълимотни баъзи жиҳатларини ҳаётга мослаштирган ҳолда унга ўзгартиришлар киритишга ҳаракат қилганлар. Айнаи мана шу ҳаракатнинг самараси сифати Ҳиндуийлик дини шаклланди. Юқорида қайд этилган рўйхатга бу динга Ҳиндистон аҳолисининг 83% яъни, 827 млн. киши эътиқод қилади. Унинг асосий шарти Ҳиндистондаги каста тизимини қабул қилишдир.

Эслатиб ўтганимиздек, брахманлар эски ақидалар замон талабига жавоб бермаслигини кўргач, янги қонун - қоидаларга хос турли оқимларни юзага келтириб, буддавийликка қарши кураш олиб бордилар. Эътиболи жиҳати, Ҳиндуийлик айнан брахманлик бўлмай, ундан фарқ қилади. Бир қатор масалаларда модернизацияга йўл берилган. Мисол тариқасида келтирсак, Брахманликда дуо ва ибодат кўшиқлар фақат ва фақат санскрит тилида ўқилган бўлса, Ҳиндуийликда кўпгина матнлар хусусан, “Махабхарат” ва бошқа шеърӣй матнлар санскрит тилидан замонавий ҳинд тилига таржима қилиниб, асл матни билан бир хил ҳисобланган.

Ҳиндуийликда тримурта (учлик) – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий бўлиб, Брахма уларнинг энг каттаси, дунёни яратган худоси. Шунга қарамай, ҳиндуийликда асосан Вишну ва Шивага топинадилар.

Шундайн келиб чиқиб, Ҳиндуийлик “Шивага сиғинувчилар оқими” ва “Вишнуга сиғинувчилар оқими” каби икки асосий йўналишга бўлинади..

Шива – Ригведанинг биринчи нусхаларида Пудра номи билан зикр этилган. У Ишана, Шивара, Махадева (бую худо) номлари билан ҳам аталади. Шиваизм Ҳиндистонда 13 га яқин асосий оқимлари мавжуд. Бу оқимлар тридандина, смарт, данди, лингачилар, йоглар мактра, шакта ва бошқа оқимлар бўлиб, халқ орасида Шиванинг бир минг саккизта номи мавжуд.

Вишну – Ҳиндистонда биринчилик учун кўрашадиган иккинчи илоҳдир. Ригведада у куёш худоси – биринчи даражали худо ҳисобланиб, ибодат пайтида уни Савитар Рохита, Суря, Аудита номлари билан атайдилар. У “Кришна билан кўшилиб ярим инсон, ярим худо шаклидаги қаҳрамон деб тан олинади”.

Ҳиндистон заминида пайдо бўлиб, ривож топган диний таълимотларнинг яна бири бу сикҳийлик динидир. бу динига эътиқод қилувчиларнинг сони 19,2 млн.ни ташкил этади²⁵. Шуниси қизиқки, XV аср охири XVI аср бошларида соф диний ислохот шаклида бошланган сикҳийлик ҳаракати XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз эътиқод қилувчиларини фаол ҳарбий анъаналар билан суғорилган сиёсий ташкилот атрофида жамлади. Оқибатда эса XVI аср бошларида кичкинагина бўлган ҳарбий-диний жамоадан, Ранжид Сингх даврига келиб кучли давлат юзага келди.

Сикҳийлик динига Панжобда гуру (устоз) Нанак (1469-1539) томонидан асос солиниб, унга эргашганлар ўзларини *сикхлар*, яъни шогирдлар деб аташган. “Сикҳийлик” атамаси ҳам шу сўздан олинган.

Нанакнинг вафотидан кейин унинг таълимотини 9 та *гуру* ривожлантирган. Хусусан, тўққизинчи *гуру* Говинд Сингх (1675-1708) бу

²⁵ http://censusindia.gov.in/Census_Data_2001/Population_by_religious_communities.htm

ишда муҳим роль ўйнаган. Улар ягона таълимотни тарғиб қилган ягона *гуруни* 10 қиёфада намоён бўлади деб ҳисоблаганлар.

2. Замонавий Ҳиндистон ички сиёсатида дин омилининг ўрни

Ҳиндистон жамияти хусусида фикр юритилганда аввало ундаги турфаликни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ҳиндистон шундай бир мамлакатдирки, унда аҳоли ўзаро 15 расмий тил мажуд бўлгани ҳолида, аҳоли 300 дан ортиқ майда тилларда ва 3000 дан зиёд лаҳжаларда сўзлашади. Йигирма тўрт тилнинг ҳар бирида бир миллиондан ортиқ одам мулоқат қилади. Гарчи энг кўп тарқалган тил ҳинд тили бўлишига қармай у фақатгина 40 % аҳолигагина она тили ҳисобланади. Кўп ҳолларда одамлар бир-бирини тушунмаганлиги боис инглиз тилида иш олиб борадилар. Ўзгирлиси фақатгина тил борасидагина эмас, жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Барчага маълумки, Ҳиндистонда бошқа ҳеч бир мамлакат жамиятида учрамайдиган ҳолат – одамлар ўртасида табақаланиш мавжуд. Тўртта алоҳида каста ва уларнинг остида яна бир қанча тоифаларнинг борлиги унинг ўзига хослигидандир. Гарчи Ҳиндистон ҳиндуийлик динининг ватани ҳисоблансада, яна бир неча динлар айна маконни ўзлариги ватан деб даъво қиладилар. Турфалик бундан ташқари этник масалада ҳам катта аҳамиятга эга. Буларнинг бари Ҳиндистон жамияти ўзига хос мураккаб шаклга эгаллигини кўрсатади.

Замонавий Ҳиндистон давлатининг ички сиёсатини яхшироқ тушуниш учун аввало бу давлат ҳақидаги баъзи маълумотлар билан танишиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳиндистон Республикасининг умумий майдони 3,3 млн. км² бўлиб, ҳудуди асосан, улкан учбурчак шаклида бўлган Ҳиндистон яриморотида жойлашган. У шимолдан жанубга 3,2 минг км., ғарбдан шарққа 2,9 минг км. масофага чўзилган. Шунингдек, Ҳиндистонга Лакадив ҳамда Андаман ва Никобар ороллари

гурухлари ҳам қарашлидир.

Сиёсий-ҳудудий тузилишига кўра Ҳиндистон Федератив Республикадир. Унинг таркибида 25 штат ва марказга бўйсунадиган еттита иттифокдош ҳудудлар мавжуд. Давлатнинг сиёсий маркази Деҳли шаҳридир. Ҳиндистон Республикаси Жанубий Осиё субрегионида энг йирик давлатдир. Ҳиндистон катта масофада денгизлар билан туташган. Унда Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида денгиз орқали олиб бориладиган серқатнов савдо йўллари жойлашгандир.

Ҳиндистоннинг табиий шароити хилма-хил ва анча бой. Мамлакат шимолий томондан баланд Ҳимолай тоғлари билан ўраб турилиши унинг иқлимий шароитларининг жуда қулай бўлишида, ниҳоятда бой агроиқлим ресурслари билан таъминланишида асосий рол ўйнайди. Унинг ерости қазилма бойликлари ҳам хилма-хил. Темир ва марганес рудалари, хром, титан захиралари дунё аҳамиятига эга. Шунингдек, кўмир, олтин ва бошқа бир қатор рангдор металл захираларига бой. Ҳудуди ва денгиз саёзликларидан нефт ҳам топилган.

Ҳиндистон жаҳондаги энг кўп миллатли мамлакатдир. Аҳолисининг миллий-етник таркиби жуда мураккаб. Унда яшаётган миллат, элат ва қабилалар турли тил гуруҳларига, динларга мансубдир. Уларнинг урф-одатлари ҳам турлича, ижтимоий ривожланиш даражалари эса ҳар хил босқичдадир.

Мамлакатдаги асосий миллатларни ҳиндлар, бенгаллар, бихарлар, панжобликлар, тамиллар, кашмирликлар ва бошқалар ташкил қилади. Аҳолининг диний таркиби ҳам анча мураккаб. Аҳолининг 80 фоизи ҳиндуизм динига мансуб. Иккинчи ўринни ислом динига мансуб аҳоли эгаллайди. Улар мамлакат аҳолисининг 100 млн. дан кўпроқ қисми (11 фоизи)ни ташкил қилади. Жамму ва Кашмир штатлари аҳолисининг 2-3 қисми ислом динига мансуб. Шунингдек, Ҳиндистонда 18 млн. христианлар, 15 млн. сикхлар, 5 млн. буддизм ва бошқа дин вакиллари

ҳам яшайдилар.

Ҳиндистон аҳолисининг сони бир миллиарддан ошган, аҳолисининг сони тез ўсаётган мамлакатлардандир. Сўнгги юз йил ичида унинг (1900 - 2004) аҳолиси 239 млн. дан 1 млрд. 64 минг 400 кишигача кўпайди. Агар аҳолисининг ҳозирги ўсиш суръатлари сақланиб қолса, мамлакат аҳолисининг сони, БМТ ҳисоби бўйича, 2025- йилда 1,4 млрд. кишига етади. Шу сабабли Ҳиндистонда аҳоли ўсишининг секинлашишига хизмат қиладиган демографик сиёсатни олиб боришга тўғри келди. Аммо оилани режалаштиришга қаратилган бу сиёсат ҳанузгача сезиларли натижага олиб келмади.

Ҳиндистон аҳолисининг ўртача зичлик кўрсаткичлари жуда юқори — 1 кв.км майдонга 330 кишидан тўғри келади. Аммо аҳолиси ҳудудлар бўйлаб анча нотекис жойлашган. Агар пасттекисликлар, тоғ оралик водийларида аҳоли энг зич жойлашган бўлса (масалан, Ҳинд-Ганг пасттекислигида 1 кв.км га 600 — 800 кишидан тўғри келади), баланд Ҳимолай тоғи ёнбағирлари, шимоли-ғарбий ва марказий қурғоқчил ҳудудларида аҳоли анча сийрак яшайди.

Мамлакат аҳолисининг урбанизатсия даражаси у қадар юқори эмас. Ҳозир мамлакат аҳолисининг 26 фоизи шаҳарларда яшайди. Ҳозирги Ҳиндистонда 4 мингдан ортиқ шаҳарлар бор. Уларнинг 300 дан ортиғи йирик шаҳарлардир. Миллионер шаҳарларнинг умумий сони 23 та. Булар орасида Мумбай (Бомбай) ва Калкутта шаҳарлари аҳолиси 12,6 ва 11,0 млн. га тўғри келади ва улар жаҳоннинг энг улкан шаҳарларидан ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики Ҳиндистон ўлкаси табиий жиҳатдан бой заҳирага эга бўлгани ҳолида, бугунги кунда Ҳиндистон мамлакати иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган давлатлардан ҳисобланади.

Мана шундай имкониятларга эга ва айни вақтда дунёвий кўринишга

эга бўлган Ҳиндистон жамиятида диний аҳвол ва аҳолининг динга бўлган муносабати қандай? Ушбу саволга бериладиган жавоб бизнинг тадқиқотимиз бош мақсадларидандир

Мустақиллик йилларида хусусан, 1961 йилдан динлар бўйича маълумотларни жамлаш ишлари тизимлаштирила бошланди. Йирик динлардан ҳисобланувчи ҳиндуийлик, ислом, христианлик, яҳудийлик, буддавийлик, сикхийлик кабилардан ташқари кичик диний эътиқод тарафдорлари ва гуруҳлар хусусида ҳам маълумотлар жамлана бошланди. Гарчи кейинги йилларда рўйхатга олиш имкониятлари чекланган бўлишига қарамай 2001 йилда ўтказилаган рўйхатга олиш иши ўзиша хос аҳамиятга эга. Унда аҳоли ўз диний эътиқодига кўра турли йўналишлар бўйича ҳам тадқиқ қилинган.

Ўтказилган тадқиқот бўйича 2001 йилда ҳиндистон аҳолиси 80,5 % ҳиндуий, 13,4 % мусулмон, 2,3 % христианлардир. Уларнинг рақамдаги кўриниши эса умумий 1, 029 млн бўлган ҳиндистон аҳолисининг 828 млн ҳиндуий, 138 млн мусулмон шаклидадир. Сикхлар 1,9 %, буддавийлар 0,8 %, жаинийлар 0,4 % ва бошқалар 0,6 % миқдордадир²⁶.

Ҳиндистонда аҳолининг жинс бўйича умумий нисбати ўртача ҳар мингта эркакка 933 та аёл киши тўғри келади. Бу борада энг юқори кўрсаткич христианларда 1009 та аёл ва паст кўрсаткич сикхларда 893 та аёл. Аҳолининг мутлоқ кўпчилигин ташкил этувчи ҳиндуийларда бу кўрсаткич 931 тани ва мусулмонларда эса 936 тани ташкил этади.

Динларнинг номи	Умумий аҳоли сонига кўра фоизи	Ҳар 1000 та эркакка нисбатан аёл сони
Ҳиндуийлик	80.5	931
Ислом	13.4	936
Христианлик	2.3	1009

²⁶ Rowena Robinson. Sociology of religion in India - Social Science – 2004.P.121.

Сикхййлик	1.9	893
Буддавийлик	0.8	953
Жаинийлик	0.4	940
Бошқа динлар	0.6	992
Ҳиндистон	100	933

Болалар туғилиши ва хусусан, 0-6 гача бўлган болалар нисбатига караладиган бўлса манзара анчайин ўзгаради. Бу ёшдаги болалар умумий аҳоли сонига кўра 15,9 % ни ташкил этса, юқорида эслатилган бешта дин вакилларидан тўрттаси ҳиндуийлик, христианлик, буддавийлик, сикхййликда бу кўрсаткич ўртача миллий кўрсактичдан паст. Энг юқори кўрсаткич мусулмонлар ҳисобига тўғри келиб 18,7 % га тенг, энг пастки ўринни жайнийлик дини вакиллари 10,6 % билан эгаллашган.

Саводхонлик даражаси бўйича динлар орасида тафавут ҳам ўзига хос. Бу борада умумий аҳолининг 64,8 % шундан эркакларнинг 75,3 % ва аёлларнинг 53,7 % қисми ўқиш ва ёзишни билишади. Айни йўналишда жайнийлик дини вакиллари 94,1 % кўрсаткич билан энг юқори поғонани банд этганлар. Христианларнинг 80,3 %, буддавийлик дини вакилларининг 72,7 % қисми саводли бўлиб, мусулмонлар эса 50,1 % билан охириги ўринларда экан. Саводхонлик даражаси куйидагича акс этади²⁷.

Динлар номлари	Саводхонлик даражаси (умумий)	Саводхонлик даражаси (эркаклар)	Саводхонлик даражаси (аёллар)
Ҳиндуийлик	65.1	76.2	53.2
Ислом	59.1	67.6	50.1
Христианлик	80.3	84.4	76.2
Сикхййлик	69.4	75.2	63.1

²⁷ Rowena Robinson. Sociology of religion in India - Social Science – 2004.P.121.

Буддавийлик	72.7	83.1	61.7
Жайнийлик	94.1	97.4	90.6
Ҳиндистон	64.8	75.3	53.7

Иш билан таминланиш ҳам давлат сиёсатида ўзига хос ўрин тутди. Аммо иш билан бандлик борасида ҳам дин омили ўзига хос ўрин тутшии табиий. Ҳиндистон аҳолисининг 39,1 % иш билан банд қилинган бўлса, бу миқдор диний вакиллар орасида қуйидагича тақсмиланган: буддавийлар 40,4 %, ҳиндуийлар 40,4 %, христианлар 39,7 %, мусулмонлар эса 31,3 % билан охирги ўринда. Эркак ва аёллар ўртасида иш тақсимотининг номуносивблиги бўйича сикхйлар ўртадаги фарқ 37,7 % билан энг аввлда.Иш билан бандлик даражаси ҳам ўзига хосдир²⁸.

Динларнинг номи	Умумий	Эркак	Аёл
Ҳиндуийлик	40.4	52.4	27.5
Ислон	31.3	47.5	14.1
Христианлик	39.7	50.7	28.7
Сикхйлик	37.7	53.3	20.2
Буддавийлик	40.6	49.2	31.7
Жайнийлик	32.9	55.2	9.2
Ҳиндистон	39.1	51.7	25.6

Касблар бўйича иш билан бандлик даражасини белгилашда ҳам динларнинг ўртасида тафовуилар мажуд. Рўйхатга олиш чоғида ишчилар деҳқонсилик, қишлоқ хўжалиги ишлари, кичик тадбиркорлик каби касбий турларга ажратилган. Деҳқончилик билан бутун ҳиндистоннинг 31,7 % аҳолиси шуғулланса, ҳиндуийлик динга эътиқод қилувчиларнинг 33,1 %

²⁸ Rowena Robinson. Sociology of religion in India- Social Science – 2004.P.123.

и, сикхийлик динидагиларнинг 32,4 % шуғулланишади. Энг кам миқдор эса жвйнийликка вакиллари ҳисобидан бўлиб уларнинг фақатгина 11,7 % и деҳқончиликни ўзларига касб қилиб олишган халос. Буддавийлик динидаги кишиларнинг энг кўп миқдори қишлоқ хўжалиги соҳасида 37,6 % кўрсаткич биланд бўлса мусулмонлар кичик тадбиркорлик бўйича олдинги ўринда экан. Турли категорияларга қараб ишчилар қуйидагича бўлинади²⁹.

Динларнинг номлари	Умумий ишчилар миқдори			
	Деҳқончилик	Қишлоқ хўжалиги	Кичик тадбиркорлик	Бошқа ишлар*
Ҳиндуийлик	33.1	27.6	3.8	35.5
Ислон	20.7	22.0	8.2	49.1
Христианлик	29.2	15.3	2.7	52.8
Сикхийлик	32.4	16.8	3.4	47.3
Буддавийлик	20.4	37.6	2.9	39.2
Жайинлик	11.7	3.3	3.3	81.7
Ҳиндистон	31.7	26.5	4.2	37.6

Диний эътиқод билан боғлиқ тадқиқотлар 1872 йилда ўтказилган илк рўйхатга олиш ишларидан буюн, ижтимоий-маданий ҳаётнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб келмоқда. Шу даврдан бошлаб динлар ва диний гуруҳлар ҳақида тизимли маълумотлар йиғила борди.

Кейинги йилларда сикхийликда ҳиндуийлик одатларини ўзлаштириб олган дин вакиллари билан соф сикхлар орасида бўлиниш кузатилмоқда. Биринчи гуруҳ намояндалари томонидан энг муқаддас жойларнинг ишғол этилиши 1926 йили Панжоб сиёсий майдонида “Ақолий Дал” ҳаракатининг юзага келишига сабаб бўлди. Диний тамойиллар асосида

²⁹Rowena Robinson. Sociology of religion in India. - Social Science – 2004.P.120.

* Бошқа ишлар сирасига сервис хизматлари, савдо сотиқ ишлари ва ишлаб чиқариш кабилар киради

тузилган бу ҳаракат намояндалари мусулмонлар, ҳиндуийлар ва сикхларнинг сиёсий тенглигини талаб қилиб чиқдилар. 1947 йили Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши натижасида мусулмонлар Панжобнинг Покистонга тегишли қисмига, ҳиндуийлар ва сикхийлар эса Панжобнинг Ҳиндистонга тегишли қисмига кўчиб ўтганларидан кейин бу ҳаракатнинг таъсири кучайди.

XX асрнинг 50-60-йилларида бу ҳаракат ягона ирқ ва тил масаласидан келиб чиқиб, Панжоб штати тузилишини талаб қилди. Натижада 1966 йили шундай штат ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу штатда Ҳиндистон сикхийларининг 80 % истиқомат қилади.

I боб бўйича хулоса

Қадимги Ҳиндистон жамиятида ҳам барча даврлардагидек дин омили алоҳида ўрин тутган. Дин арбоблари – коҳинлар аҳоли орасида юқори мавқеъга эга бўлишган.

Орийларнинг кириб келиши билан таркиб топган жамиятда эса ҳеч бир шубҳа йўқки дин энг биринчи ўринга қўйилган. Ведалар диний муқаддас матнлар ҳисоблангани ҳолида, айнаи вақтда ҳуқуқий, ахлоқий меёрлар мезони ҳам эди.

Ўрта асрларга келиб ҳиндистонда кўплаб улкан салтанатлар бунёд этган салтанат соҳиблари етишиб чиқдилар, лекин диний мавқеъи жиҳатидан улар ҳамаша диний арбоблар – браҳманлардан кейинги ўринда қолавердилар. Буларнинг барига сабаб жамиятда табақа тизимининг кучли бир шаклда ўрнатилганлигидир. Буларнинг баъри шундан далолат берадики, Ҳиндистоннинг бутун тарихи мобайнида у ёки бу диний эътиқод жамиятда мутлоқ ҳукмрон бўлган ва аҳоли ҳамаша диний қоида ва кўрсатмаларга қаттиқ амал қилиб яшаганлар.

Замонавий Ҳиндистон жамияти ўзига хос мураккаб шаклга эга бўлиб, бунда барча соҳада турли туманликнинг ҳаддан ортиқлиги, кўп ҳолларда мамлакатга фойдадан кўра қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

II боб. Ҳиндистон ижтимоий-маданий ҳаётида диний бағрикенгликнинг тарихий асослари

1. “Ману қонунлари”да диний бағрикенглик асосларининг акс этиши

Турли дхармашастрлар орасида Дхармашастр – умумий ҳуқуқий адабиёт ҳисобланмиш смрити - ҳиндларнинг илоҳий ривоятлари тўплами, ёки Манусмрити – Ману қонунлари (Мил. авв. II – милодий II асрлар) сўзсиз алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асар дидактик услубда, шерий шаклда ёзилган бўлиб, Ҳиндистон заминида кенг тарқалган ҳамда ҳинд маданияти ва анаъналари ривожига катта тасир кўрсатган. Дхарма - бу диндор ҳинднинг ахлоқини белгилаб берувчи норма бўлиб, айти бир вақтда диний, маънавий ва ҳуқуқий маъно моҳиятни ҳам ўз ичига қамраб олади. Лекин бошқа тарафдан олиб қараганда, дхармашастра амалдаги қонунларнинг асл манба ҳисобланмайди. Бу манба ҳуқуқи ва илк ижтимоий шаклланиш тимсолидаги ҳужжат сифатида бизга қадар етиб келган³⁰.

Қонунлар Қадимги Ҳиндистонда милoddан аввалги II ва милодий II асрлар оралиғида жамланиб борилган. Ману қонунлари таркибига қонунларнинг қоидалар нормалари, суд амалиёти ва подшоларнинг қарорлири

³⁰ З.М. Черниловский. Всеобщая история государства и права/ - М., 1999 - с. 36.

кирган бўлиб, ўз даврида расмий мақомга эга бўлган ва халқ орасида ижобий аҳамият касб этган.

Ману қонунлари 12 боб ва 2685 банддан иборат бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда умумий ва етарли даражада кенг ёритилган ҳуқуқий тўплам ҳисобланади³¹.

Қонунларга киритилган боблар қуйидагича номланган:

- Оламнинг яратилиши ҳақида;
- Таълим олиш давридаги ҳаёт қонуни;
- Оилапарварлик ҳаёти қонуни;
- Брахман ҳаётинининг кўриниши ҳақидаги қоидалар;
- Ҳаёт қонуни, аёлнинг вазифалари;
- Дарбадарлик ҳаёти қонунлари;
- Ҳукмдорнинг бурчлари;
- Ҳукмдорнинг бурчлари;
- Эр ва хотин бурчлари;
- Табақаларнинг мажбуриятлари;
- Қилинган гуноҳларга иқроқ бўлиш ва тавба-тазарру қилиш борасидаги кўрсатмалар;
- Бу дунёда қилинган ёмон ишлар учун у дунёда бериладиган жазолар тавсифи;

Қадимги ҳуқуқий тушунча ва тасаввурларга кўра мазкур қонунларнинг келиб чиқиши диний характерга эга деб қаралган ва шунинг учун ҳам мазкур қонунлар илоҳ Мануга нисбат берилади³².

Ману қонунлари таихи борасида илмий адабиётларда асосан қуйидаги маълумотлар келтирилади. Дҳармасутралардан вақт ўтиши билан дҳармашастралар – нисбатан тизимлаштирилаган, кенг омма ўрганишга

³¹ Законы Ману(II в. до н.э. - II в. н.э.) и др./Под ред. О.А. Жидкова и Н.А. Крашенинниковой. - М., 1988 - с. 63

³² История государства и права зарубежных стран/ Под ред. О.А. Жидкова, Н.А. Крашенинниковой и др. - М., «Норма» 2004 - с. 81.

мўлжалланган ва ёдда сақлаш қулай бўлган ва айна вақтда ёзма шаклдаги қоидалар, келиб чиқди.

Кўзга кўринган санскритолог Г.Бюллернинг фикрларига кўра Ману қонунларнинг асоси аслида бизгача етиб келмаган қандайдир дхрмасутрадир. Лекин унинг бу фикрлари П.В.Кане ва К.П.Джаясвали каби олимларнинг Ману қонунлари ўзи мустақил ҳарактердаги тўплам эканлиги тўғрисидаги эътирозларига учради. Табиийки, Бюллернинг фикри исботланиши учун ана ўша, бизга қадар етиб келмаган қандайдир, дхрмасутра топилиши лозим. Айна вақтда Бюллернинг Қонунларнинг қай тарзда бизга етиб келгани тўғрисидаги йиғган маълумотлари аҳамиятга моликдир.

“Ману қонунлари” ўрта асрларда кўп бора кўчириб ёзилган ва шарҳланаган. Бугунги кунга қадар унинг Медхатитхи (IX), Говиндараджи (XII-XIII), Нараяны (XVI), Куллюкабхатти (XV), Рагхванаиди (XVII-XVIII) кабиларнинг шарҳлари ва кашмир лаҳжасидаги бир неча аноним шакллари етиб келган. Эътироф этиш керакки шарҳлогвчилар турли даврларда, турли шароитда яшаганлар ва шу боисдан уларнинг дунёқарашлари ҳам турлича бўлган. Бу эса табиийки, уларнинг ижодида кўзга ташланади. Шунга қарамай аксар жойларда – диний ва фалдсафий фикрларда, уларнинг фикрлари деярли бирдир. Ўрта асрлар шарҳловсиларининг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир (айниқса Медхатитхи ва Кулюкабхаттиларнинг), уларнинг шарҳсиз Қонунларнинг кўпгина қисмларининг маъносини тушуниш қийин.

“Ману қонунлари” ғарблик олимлар тарафидан катта қизиқиш билан ўрганилган манбалардан бири ҳисобланади. Унинг инглиз тилига биринчи таржимаси, В.Жонсон тарафидан 1794 – йилда амалга оширилган. Шундан кейин Қоунлар бошқа тилларга кўп бора таржима қилинган. Таржималар борасида Г.Бюллер, К.Бернелли, Е.У.Хопкинсларнинг таржимаси мукамаллиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. “Ману

қонунлар”ини руслар ўз она тилида илк бор 1913 йилда С.Д.Эльманович таржимасида ўқиганлар.

“Ману қонунлари”ни ўрганиш борасида шу нарса маълум бўладики, ундаги кўпгина байтлар шарт майлида битилган.

Мазкур тўпламнинг номининг таржимасида кўпгина қарашлар мавжуд. Ҳусусан, қонунлар санскрит тилида “Манавадхармашастра” деб аталган.шу боисдан ҳам баъзи олимлар уни “Манунинг дхармага оид кўрсатмалари” деб ҳам таржима қилишган. Нафақат ўзбек тилида, балки бошқа кўпгина тилларда ҳам қадимга санскрит тилидаги “дхарма” сўзининг айнан маъносини берувчи сўзни топиш мушкул. Кўп ҳолларда уни: ҳуқуқ, мажбурият, муқаддас бурч, диний қадрият, илоҳий мақсад каби сўзлар бирикмаси билан ифодаланади. Аксар ҳолларда уни таржима қилмай қолдирадилар.

Бу борада атоқли санскрит тили билимдони П.В.Каненинг “Дхарма – санскрит тилидаги шундай сўзлардан биридирки, англиз тилидаги, бошқа ҳарқандай тилда унинг айнан таржимасини берувчи сўзни топиш беҳудадир”³³ фикларини бериш билан кифояланамиз.

Ману қонунлари Ҳиндистон ҳуқуқий манбалари орасида ўзига хос аҳамиятли ўринга эга. Уларнинг мазмун-моҳияти ўрта асрларда ўзлаштирилган ва шарҳланган. Қонунлар, бизнинг назаримизда, XX асрга қадарга Ҳиндистон ҳуқуқ тизими ривожига сезиларли таъсир кўрсатиб келган, қадимги Ҳиндистон ҳуқуқий тизими бўйича муҳим ёдгорликдир.

Уларда жамиятдаги муомалаларни бошқариш бўйича аввалдан белгилаб қўйилган анъана ва диний буйруқлар каби тенденцияларни жорий қилишнинг аҳамияти аниқ ва тиниқ қилиб тасвирлаб берилган³⁴.

Дин, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга чорловчи, кучли идеологик ва психологик омил сифатида сақлаб эътироф этилган.

³³ П.В.Кану. History of dharmashastra. Vol. I. –р. 7.

³⁴ А.Л. Бэшем. Чудо, которым была Индия/ - «Восточная литература»,2000 - с. 147-148

Қонунларга эътибор берилса уларда кишини Яратган илоҳга итоат этиш ва аҳолининг барча қатламларига нисбатан адолатли бўлишга чақириқ бор. Хусусан, қонунларнинг аввалида қуйидаги такиднинг келиши бунинг яққол мисолидир: “Буюук донишманд ҳаёл суриб ўтирган Мануга яқинлашди ва унга салом бергач қуйидгиларни айтди: Яратганни бир деб бил ва буни очик ойдин эълон қил, тўрт кастанинг ҳар бирига мос фармонлар бер”³⁵.

Ҳиндистонда Ману қонунларини пайдо бўлиши тарихи тўғрисида келтирилган фикрларда уларни Орийлар ўзлари билан олиб келишганлиги айтилади³⁶. Жумладан, XIX асрда “Орийларнинг четдан келиши” ғояси устувор бўлиб қолган эди. Бунга кўра, ярим оролнинг асли аҳолиси қора танли, тинчликсевар “Дравидийлар” бўлган, уларнинг излари Хараппа цивилизацияси ҳаробаларида сақланиб қолган. Тахмин қилинишича, бу қабилалар яхшигина қурувчи бўлган (Мохенжо Даро деган жойдаги қазилмалар бундан далолат беради), аммо маданият ва тил борасида унчалик мутараққий бўлмаган, чунки уларда хат ёзуви ва адабиёт ривожланмаган. Сўнгра, эрамиздан аввалги 1500 йилларда Ҳиндистонга шимоли-шарқдан жанговар “орий” қабилалари бостириб келган. Ҳиндиқуш доволари орқали ўтиб келган бу оқ танли қабилалар ҳозирги Панжоб ҳудудига жойлашган. Улар жанг санъати ҳамда шеърят илмини жуда яхши билган. Улар ўзлари билан санскрит тилидаги асарларни ҳамда социал стратификация (жамиятнинг табақаларга бўлиниши)ни олиб келган. Жанговар уруш араваларига эга бўлган бу босқинчилар маҳаллий аҳолини осон ва тез маҳв этганлар ҳамда ўз “Ману қонунлари”ни зўрлик билан сингдирганлар³⁷. Бу назарияни ривожлантиришга Макс Мюллер ҳам ҳисса қўшди. У ўзининг “Ҳиндуларнинг анъаналари, одатлари ва

35 The Laws of Manu. *George Bühler, translator*. (Sacred Books of the East, Volume 25). <http://www.sacred-texts.com/index.htm>

³⁶ Ёвқочев.Ш. Марказий Осиё Динлари тарихи. – Т.: Шарқшунослик, 2006. – Б. 18.

Шунингдек: Жўраев.У, Самаджонов.Й. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарқ. 1998. – Б. 23.

³⁷ Мюллер.М. Религия как предмет сравнительного изучения. – М.: Харьков. 1887. – С. 45.

маросимлари” (Hindu Manners, Customs and Ceremonies, 1897 йил) номли асарида “Аббе Дюбуа юксак нуфузга, асарлари эса, ўлмас қадриятга эга” деб таъкидлаган³⁸.

Брахманлик турли мактаблари ташкил этувчи дхармасутра ва дхармашастрлар, ҳуқуқий тўпламлар брахманлик мафкурасини вужудга келтиради. Машхур сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлик-“Ману қонунлари” эрамизгача II асрда ёзма равишда бунёд этилди. Унда Ведалар ва Упанишадлардаги ғоялар ҳар томонлама ривожлантириб ҳимоя этилади. “Ману қонунлари”да асосий эътибор жазо белгилашга қаратилади. Жамият варналарга бўлинган, улар ўртасида нотенглик мавжуд.

IV-III асрларда (эрамизгача) яратилган Артхашастрида давлатнинг моҳияти, вазифалари, қонунларнинг яратилиши ва амал қилиши борасида брахманликдан фарқли улар реал ғоялари ифодаланади. Вазир ва маслаҳатчи Каутиля бу китобнинг муаллифи дейилади.

“Ахтрашаstra” дунёвий таълимотларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришида катта рол ўйнайди. Бу китобда ҳар бир сиёсатнинг, қонуннинг нечоғли амалий фойдаси борлигига асосий эътибор қаратилди. Бу қонунлар одамларнинг ҳаётини, демак давлат фаолиятини тўғри акс эттириши зарур.

“Ману қонунлари” европалик олимларнинг эътиборини ўзига тортган ва у неча бор ғарб халқлари тилларига бир таржима қилинган. Ана шундай таржималардан бири Жоро Бугхлер томонидан амалга оширилган бўлиб, у “Шарқнинг муқаддас китоблари” номили тўпламга киритилган.

Қонунларда алоҳида эътибор Яратувчи қудратли илоҳга мурожаат ва уни олқишлашга қаратилади. Хусусан, унинг 3-бандида шундай келтирилади: “Эй Яратганим, ёлғиз Сен барча мақсадларни, амалларни ва

³⁸ Мюллер.М. Шесть систем индской философии. – М.: СПб. 1995. – С. 79.

руҳиятни билгувчи зотсан. Сен, билиб бўлмас ва англаб етиб бўлмас даражада бўлганинг ҳолида, мангусан”³⁹.

Барча халқларда маълумки, бу борлиқнинг яратилиши тарихи, унидаги мавжудотларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ўз қарашлари ва шунга асосланган афсоналари бор. Бу борада Ҳиндаларда ҳам ўзига хос тасаввурлари бўлган. Айни соҳада шубҳасиз диний манбааларда маълумот келтирилади. “Ману қонунлари”да бу масалада қуйидагича таъриф келтирилади. “Бу олам зулмат, ичра пайдо бўлган, унда ҳечвақо бўлмаган, англиб бўлмас сабаблар мавжуд эди, бутун борлиқ чуқур уйкуга чўмган эди. Сўнгра Яратувчи илоҳ (Svayambhu) барча нрсаларни яратди, улканларидан то майдаларигача, шу тариқа ўзининг инкор қилиб бўлмас қудратини намоён этди”⁴⁰.

2. Акбаршоҳнинг диний ислоҳоти ва унинг мазмун-моҳияти

Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида Ўрта Осиё халқларининг алоҳида ўрни бор. Темурийлар сулоласининг ёрқин намояндаларидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари бу мамлакат тарихида беқиёс из қолдирганлар.

Бинобарин, Бобур асос солган Бобурийлар салтанатининг Ҳиндистон тарихидаги улкан хизматлари — тарихан бирон марта ҳам бирлаша олмаган Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш ҳудудларини ягона марказлашган улкан ҳокимият атрофида бирлаштиргани ва унда бир йўналишли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига асос солгани эди. Дарҳақиқат, Бобурийлар салтанати Ҳиндистонда уч асрдан ортиқ (1526 - 1858-й.й.) вақт давомида ҳукмронлик қилди. Бу йиллар давомида тили, дини, манфаатлари турлича бўлган, кўпинча бир-бирларига душман бўлган (ҳинд халқи ижодиёти намуналаридан бўлган «Махобхорат»,

³⁹ Ману қонунлари. Таржимон Жорж Бугҳлер. (Шарқнинг муқаддас китоблари, 25 том). <http://www.sacred-texts.com/index.htm>

⁴⁰ Ману қонунлари. Таржимон Жорж Бугҳлер. (Шарқнинг муқаддас китоблари, 25 том). <http://www.sacred-texts.com/index.htm>

«Рамаяна»даги воқеаларни эсланг) ўнлаб тарқоқ давлат ва давлатчалар мавжуд эди.

Бобурнинг давлат арбоби ва билимдон сиёсатчиларга хос хусусиятлари Шимолий Ҳиндистон шароитида энг нозик - ҳиндларга нисбатан диний мухолифликдан воз кечиш каби муаммога тўғри ёндашишда ҳал қилувчи рол ўйнади. Бу тadbир, сиёсий барқарорлик сифатида мамлакатдаги феодал даромадининг икки асосий қисми - савдо ва хунармандчиликни ривожлантириб, қишлоқ хўжалигининг тикланишига имкон яратди. Шаҳарларда ободончилик, таъмирлаш, экинзор ерларни суғориш ишларининг йўлга қўйилиши, Аграда масжид-мадрасалар қурилиши, булар ҳаммаси Бобурнинг амалга оширган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларининг кўртаклари эди⁴¹.

Бобур 1526-1530 йиллари ўз давлатининг сиёсий, ижтимоий, дипломатик ва савдо алоқаларини бунёд этиш ҳамда ривожлантириш йўлида, ўтган қисқа вақтга нисбатан бир талай ибратли тadbирларни амалга ошириб улгурган эди ва бунга манбаларда мисоллар етарли. Аммо шунга қарамай, афсуски, ҳатто ҳозирга қадар унинг давлатчилик фаолияти фанда кам ўрганилган мавзулигича қолиб келмоқда. Ғарбий Европа ва ҳинд тарихий адабиётида ”Бобур давлат арбоби сифатида бирор жиддий тadbир қўлламаган, у нари борса, саркарда ва адиб бўлган, лекин давлат арбоби эмас”, деган фикрлар мавжуд⁴².

Албатта бу ерда Бобурийлар сулоласидан бир бўлмиш Акбаршоҳ ҳақида келтириб ўтмай иложи йўқ. Акбар ўз ҳукмдорлик даврида тамомила бағрикенгликка асосланган сиёсат олиб борган. Унинг сиёсати умумий тинчликни тaminлашга қаратилган эди. Бундай сиёсат олиб бориш бўйича у Дехли султонлари ва ўз аждодлари орасида энг биринчиси эди. Ўз ҳукмронлигининг илк даврларидан бошлаб Акбар

⁴¹ Н.Низомиддинов. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом.Т. 2006.- Б.128.

⁴² Н.Низомиддинов. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом.Т. 2006. - Б.130.

фикрий бағрикенглик ва турли диний ҳаракатларга нисбатан ҳайрихоҳлик сиёсатини қўллаган. Шубҳасиз, унинг динларга нисбатан бу каби мўтадиллик билан муносабатда бўлишига турли омиллар таъсир этган бўлиши аниқ⁴³. Шу ўринда эслатиб ўтилиши керакки, Акбарнинг отаси, Ҳумойин Мирзо сунний бўлгани ҳолида унинг онаси ва тарбиячиси Байрам хонлар ислом динининг шиа йўналишига мансуб эдилар. Унинг устози Абдул Латиф ҳам диний масалада мўтадил қарашли инсон бўлган. Бу каби турфалик ичида ўсган Акбарга атрофдагиларнинг тасири кучли бўлган.

Акбар асил ҳақиқатнин билишга жуда ҳам мунтазир бўлган. У доимий тарзда Яратганни зикр қилар, саройида олиму фузалоларни жамлаб уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлар эди. Акбар бир неча бор Ажмерга авлиё суфий Шайх Муиниддин Чиштининг мақбарасини зиёрат қилиш учун ташриф буюрган. У шунингдек Фатехпур Сикридаги Шайх Салим Чиштини ҳам қаттиқ эозлаган.

Акбар 1575 йилда Фатехпур Сикри шаҳрида бир ибодатхона курдирган, бу ерда ўз давлати ҳудудида мавжуд динларнинг вакилларини чорлатиб, мунтазам улар ўртасида баҳслар ташкил эттирган⁴⁴. Унинг мақсади бутун империя учун мос ва қулай бўлган бир динни топиш эди. Унинг зиёратчилардан йиғим олишни ва жон солиғи бўлмиш жизяни бекор қилиши, ҳамда “Ибодатхона” қуриши каби ишларни шу мақсадда амлага ошириган эди. Акбарнинг диний бағърикенглик сиёсати асосида асли ўзининг “барча динларда илоҳ ягонадир” ғоясига таянган эди. У ўз ғоясини амалиётга жорий этишга ҳаракат қилган. Унга кўра барча дин вакиллари: ҳиндуийлар, христианлар, мусулмонлар, жаинлар ўз ибодатхоналарини эркин тарзда қуриши ўз этиқодлари асосларини тинч йўли билан тарғиб этишлари ва диний урф-одат ҳамда маросимларини ўтказишларига рухсат этилган эди. Давлат ишлари барча фуқаролари учун

⁴³ Е.Ю.Ванина. Идеи и общество в Индии XVI-XVII века. М.,1993.С.38.

⁴⁴ Н.К.Синха, А.Ч.Банерджи. История Индии.М.,1954.С.134.

очик бўлиб, уларнинг эътиқодларига аҳамият берилмаган. Диний эътиқоди сабабли ҳеч кимни таҳқирлаш мумкин бўлмаган⁴⁵.

Тарихдан маълумки, Акбар ҳам бобоси Бобур каби жуд ерта ёшида салтанат тахтига ўтиради. Байрамхон 1556 йилда тахтга ўтирган вақтда унинг оталиғи эди, у ҳали Ҳумойин Мирзо ҳаётлишидаёқ Акбарга оталиқ этиб тайинланган. Акбар тахтга келган дастлабки кунларданок ўз оталиғини Бош вазир этиб тайинлаган ва унга “Хонлар хони” деган шарафли ном берган⁴⁶. Ҳали Акбарнинг ёшлиғи боис, унинг тахтга чиқишдан бошлаб тўрт йил мобайнида ҳукумат ишлари деярли Байрамхоннинг қўлида бўлган. Байрамхон асли келиб чиқиши форс миллатига мансуб бўлиб, ўн олти ёшида Ҳумоюн Мирзонинг хизматига келган эди. У моҳир саркарда бўлиб, Қобул, Қандаҳор ва бошқа шаҳарларни ишғол қилишда ўз маҳорат ва жасоратини намоён этиб ўз ҳукмдори наздида нуфузли хизматчига айланган⁴⁷.

Ражпутлардан бўлмиш Ҳему Деҳли тахтини эгаллаб Маҳаража Викрамадита номи билан тахтга чиққан бир пайтда Акбарнинг кўпчили аёнлари уни Қобулга қайтиб кетишга ундаган. Фақатгина, Байрамхон бу таклифларни рад этган, айнаи вақтда Акбар ҳам унинг ҳаракатларини мақуллаб, Деҳли устига юриш қилишга қарор қилган. Оқибат, барча ишлар уларнинг ғалабаси билан якун топган⁴⁸.

Лекин вақт ўтши билан вазият ўзгарган ва Акбар билан Бош Вазир ўртасидаги муносабатлар нисбатан совуклашган. Байрамхон шунда эди шу боис ҳам сарой аёнлари орасида унга қарши бўлган кишилар кўп бўлган. Бундан ташқари Байрамхон баъзи масалаларда Акбар билан келиша олмай қолади, бунинг асосий сабаби Акбари эндиликда деярли мустақил ҳукмронликни истар эди. қулай фурсат келиши билан Акбар Байрамхонни

⁴⁵ Е.Ю.Ванина. Идеи и общество в Индии XVI-XVII века. М.,1993.С.41.

⁴⁶ Н.К.Синха, А.Ч.Банерджи. История Индии.М.,1954.С.163.

⁴⁷ Дж.Неру. Взгляд на всемирную историю. Т.2.М.,1981.-С.166.

⁴⁸ Ўша асар. -С. 178

ўз мансабидан четлатади. Давлат ишларидан озод бўлгач у исломнинг беш арконидан бўлмиш ҳаж зиёратига отланади.

Акбар шоҳнинг фикрига тасир ўтказа оладиган шахслардан яна бири сарой тарихчиси ва унинг ҳам маслаги Абул Фазл Алломи бўлган. У 1551 йилда Шайх Муборакда таваллуд топган. У ўзи тўғрисида, моҳир жангчи ва уддабурон давлат арбоби эканлигини ёзади. Айни вқтда у Акбар саройида “тўққиз гавҳар” ёки “Наваратнас” деб аталувчи сарой қозилари сафидан жой олган эди. Шубҳасиз Абул Фазл подшонинг дунёқарашига катта тасир кўрсатган инсонлардан биридир. Туркий саркардалар авлоди бўлган Акбар ва Ҳиндистонлик мусулмон Абул Фазлнинг ўзаро маслаҳатлашиб, форс давлат тузими асосида сиёсат юритишлари кўп ҳолатларда ўзига хос кўриниш касб этар эди. Абул Фазл подшонинг маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширган ишларини аниқ ёрқин тарзда китобга тушириб броган ва натижада Акбарнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган машҳур “Акбарнома” деб аталган асар муаллифига айланган ва бу асар ҳанузгача Ҳиндистонда тарихий адабиёт бўйича мумтоз даражага етган асар ҳисобланади⁴⁹. Китоб шахсан Акбар тарафидан мутоала қилиб чиқилган ва уни тамомлаб ниҳоялаш учун етти йил вақт сарф этилган. Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бир ундаги фикрлар суратлар билан тўлдириб борилган. Акбарнома авлодларга уч жилдли китоб шаклида етиб келган. Биринчи жилдда Темурийлар сулоласининг тарихи, Бобур ва Ҳумоюн Мирзоларнинг зафарли юришлари, Акбарнинг туғилиши, тахтга чиқиши ва унинг ҳукмронлигининг дастлабки ўн ети йиллиги тасвирланган. Китобнинг иккинчи жилди эса Акбарнинг тарихига бағишланган бўлиб, унда ҳукмронликнинг ўн саккизинчи йилидан токи қирқ олтинчи йилига қадар бўлиб ўтган ишларнинг тавсифига бағишланган. Бу орада Абул Фазл

⁴⁹ Л.В.Шапошникова. "Великое путешествие".Кн.1.

вафот этади ва китоб шу нуктада тўхтаб қолади. Китобнинг учунчи жилди эса Акбар ҳукмдорлигининг қолган даврига бағишланади⁵⁰.

Акбарноманинг муҳимлиги унда кўплаб воқеалар қатори Буюк Акбарнинг Бенгалияга юришлари тарихини очиб берувчи маълумотларга бойлигидадир. Шунингдек бу китобда Акбарнинг барча ҳарбий юришлари, унинг Бенгалия истелоси учун юборган саркардаларининг ҳаракатлари шунга мос суратлар билан бойитилганлигидадир. Бундан ташқари мазкур китобда бенгалиядаги Бобурий саркардаларнинг ҳукуматга қарши икки йиллик исённинг баёни тўлалигича акс этган. Исённинг бошланишига асосан икки омил сабаб бўлган. Биринчиси “Дини илоҳи”нинг тарғиб этилиши ва аскарлар маошининг камайтирилиши⁵¹.

Акбарноманинг қадрли бўлишига унда Акбар ҳукмронлик қилган даврда юз берган бошқа ҳодисалар тафсилотининг ишончли ва ҳолисона йоритиб берганлигидадир⁵².

Афсуски, тажрибали ва зийракдавлат арбоби бўлмиш Абул Фазл Жаҳонгир Мирзога ёқмас эди. Шу боис ҳам Акбар шоҳ вафотидан сўнг тахтни эгаллагач унинг буруғи билан Абул Фазл Алломини қатл этганлар.

Акабарнома асарининг Абул Фазл вафотидан кейинги даври Иноятуллоҳ тарафидан ёзилган бўлиб, унда Акбарнинг вафотига қадар бўлган давр ёритилган. Асар “Такмили Акбарнома” деб номланган.

Бирбал подшо Акбар даврида ҳакамлик мансабида ишлаган. У подшонинг сирдош инсонларидан, ҳамда наваратнас (тўққиз ёқут номли ҳакам)лардан бири эди. Бирбалнинг ҳукмдорга ёққан сифати унинг донолиги ва закийлиги эди⁵³.

Бирбал 1528 йилда Сидҳи ўлкасидаги Гогҳара қишлоғида таваллуд топган. Унинг исми Маҳеш Дас бўлиб, кейинчалик Акбар тарафидан

⁵⁰ Л.В.Шапошникова. "Великое путешествие".Кн.1.

⁵¹ Religious Policy of Akbar. // http://www.indianetzone.com/43/religious_policy_akbar.htm

⁵² Religious Policy of Akbar. // http://www.indianetzone.com/43/religious_policy_akbar.htm

⁵³ Путь к мудрости Акбар и Бирбал. Минск.2000. –С. 83

Бирбал деб ўзгартирилган. Манбаларда келтирилишича Акбар овларнинг бирида Маҳеш Дасни учратиб қолади ва у билан суҳбатлашиб унинг фикрларидан ҳайратда қолиб, ўз саройига таклиф этади ва Маҳеш Дас унинг саройида яшаб қолади.

Акбар унга “рожа” унвонини тақдим этган. Хукмдор қачонки унга кутилмаган антиқа саволлар билан мурожат этса у доимо ҳушчақчақлик тарзда кескир ва доно жавоб қайтарар эди. Бирбал шунингдек шоир ва ёзувчи ҳам эди. У “Брахма” тахаллуси билан шеърлар ёзган, унинг шеърлари бугунги кунда ҳам Ғарбий Ҳиндистондаги Ражастхон штатидаги Бҳаратпур музейида сақланмоқда⁵⁴.

Бирбал 1586 йилда шимолий ғарбий Ҳиндистондаги афғон ва пушту қабилаларига қарши жанглардан бирида ҳалк бўлади. Акбар унинг ўлиmidан қаттиқ қайғуга ботган ва кейинроқ ажойиб дўсти хотирасига у туғилган қишлоқда мақбара қурдирган.

Акбар жисмонан кучли, жангчи саркарда ва ёшига нисбатан уddaбурон сиёсатчи эди. У ўз давлати сарҳадларини Ғарбда Гужаротдан то Бенгалия қўлтиғигача кенгайтириб, сўнг Декандаги Берар, Аҳмаднагар ҳамда Ҳандеш каби султонликларга қарши хужумлар уюштирди. Шу тариқа “Акбар бобурийлар тарихида биринчи марта тили, диний эътиқоди, урф-одати ва шунингдек, иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан турли тараққиёт босқичидаги халқлар, элатлар ҳамда қабилалардан иборат мисли кўрилмаган қудратли салтанатга эга бўлди”⁵⁵.

У ҳолда хорижий муаррихларнинг юқоридаги хулосаларидан қуйидаги саволнинг туғилиши табиий: Бордию, масалага мантиқ юзасидан ёндашилса ва ҳар қандай экилган дарахтнинг фақат кейинчалик берган ҳосилига қараб унинг сифати белгиланса, пандит Жавоҳарлал Нехрунинг одилона таърифлаган “...ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўхна орзуни қайта

⁵⁴ Путь к мудрости Акбар и Бирбал. Минск.2000. –С. 87.

⁵⁵ Н.Низомиддинов. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом.Т. 2006. - Б.145.

тиклаган” Акбар даври, худди ўша Бобурнинг давлат арбоби сифатида ҳинд сарзаминига ўтказган ниҳолининг мевасидир”.

XVI асрнинг иккинчи ярми бобурийлар тарихида ишлаб чиқариш кучларининг ўсиб бориши ва феодал иқтисодий йириклашуви даври бўлди. Аммо салтанат куч-қудратининг бу даражага кў-тарилишига қадар мамлакат ичкарисидаги вазият, Акбардан бўлажак ислохотларни ўтказишда ҳокимиятнинг манфаатларини таъминловчи ўз аجدодларидан мерос қолган диний сиёсатни янги ижтимоий муносабатлар негизида такомиллаштиришни тақозо этарди.

Ўз салтанати яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини сақлаш мақсадида ҳамда феодал қатлам вакиллари жипслаштириш мақсадида Ҳинд феодалларининг ва бой-савдо аҳлининг эътиборини ўзига қаратмоқ мақсадида, Акбар ўзига маҳаллий аҳолининг баъзи, туркий аجدодларига хос бўлмаган, меёрларни қабул қилди. Акбарнинг амалга оширган ишларидан бири бу аста секинлик билан диний сиёсатни ўзгартириб бориш бўлди.

Унинг бундай сиёсат самараларини 1582 йилдан бошлаб кузатиш мумкин бўлади. Унга кўра Акбар шоҳ салтанатидаги барча фуқаролар эътиқод жиҳатидан тенглаштирилиб, диний ихтилофларни олдини олиш мақсадида мамлакатда мавжуд бўлган ислом, ҳиндуийлик ва жайнийлик йирик динларнинг элементларини умумлаштирган ҳолда бир динни жорий қилина бошланди. Бҳакти ва маҳдис ғоялари ичидан Акбар ўз сиёсатига мос келадиган жиҳатларни танлаб олади. Унга энг маъқул тушгани “тақводор ҳукмдор” сиймоси ва фуқаролар ўртасида диний турфаликка чек қўйиш ғояси эди⁵⁶.

Бу тариқа олиб борилган сиёсатга шубҳасиз аввалбошдан, мусулмон руҳонийлари ва заминдорлар қарши бўлишди. Акбар шоҳга нисбатан дастлаб шайхлар томонидан бошланган қаршиликлар кейинроқ

⁵⁶ Religious Policy of Akbar. // http://www.indianetzone.com/43/religious_policy_akbar.htm

жогирдорлар тарафидан кучайтриб юборилди. Норозиликлар оқибатида 1580-1582 йилларда мамлакатдаги кўплаб заминдорларни ўз ичига қамраган йирик ғалаёнлар бошланиб кетди. Аини шу қўзғалонни бостиришда Акбар асосан ҳинд феодалларининг кўмагига таянди⁵⁷.

Акбар мамлакатнинг тараққиёти учун зарур бўлган ҳинд жамиятидаги икки эътиқодга мансуб ҳинд-мусулмон бирлигига, уларни фақат руҳан яқинлаштириш орқалигина эришиш мумкинлигини яхши тушунарди. Бу жиҳатдан сўфизм, бҳактий ва сикҳизм ғояларидан бохабар салтанат соҳибига, унинг фикр эркинлигини шаклланишида Шайх Муборак Нагорий ва унинг ўғиллари Абулфазл ҳамда Абулфайз алломийларнинг таъсири катта бўлди(13.93-94б.). Ва оқибатда Акбар Ҳиндистондаги йирик диний таълимотлардан ўз ички сиёсатига хизмат қилиши учун лаёқатли томонларини янги дин – “Дини илоҳий”сида уйғунлаштириб, ундаги “Тангри барчага баробар” эканлиги тамойилини дин пешволарининг мутаассиблик кайфиятига қарши қўйди. У ҳатто ўз назарий таълимотининг амалий кўриниши сифатида, 1580 йили расмий қабул вақтида ҳинд браҳманларига ўхшаб билагада боғич ҳамда пешонасида ҳол билан жамоат олдига чиққан. Ёки, сарой оташпарастларига хос одат – ўчмас шамчироқ ёқтириб, улар сингари йиғилганлар кўзи олдида қуёш ва олов қаршисида тиз чўккан.

Бундан мақсад, диний адоватларга барҳам бериш ҳамда мусулмонлар каби ҳиндлар ҳам ҳоқимиятнинг назарида тенг ҳуқуқли эканликларини амалий равишда намоёиш қилиш эди. Аммо мазкур диний сиёсат қобиғида пайдо этилган “Дини илоҳий”га наинки салтанат, балки сарой ҳудудида ҳам оммалашув насиб қилмади. Фанда эса бу янги дин, узоқ вақтлардан буён баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб, хилма-хил хулосаларда таърифланади. Масалан, К.А.Ашрафян “янги дин”ни шундай характерлайди: “Сунъий равишда жорий этилган таълимот салтанатнинг

⁵⁷ Ўша жойда.

сиёсий жипслашувига хизмат қилолмасада, лекин у Акбар сиёсатининг мақсадига мувофиқ йўналишига гувоҳлик беради”⁵⁸. Шунингдек, тарихдан маълумки Акбаршоҳ динлар тарихига қизиқиши билан ҳукмдарлар орасида ажралиб туради. Унинг турли динларга оид манбаларни тўплашга қизиқиши катта эди. Шу сабабдан сароига мусулмон, яхудий, христиан, брахманларни тўплаб манбашунослик таржимларига раҳнамолик қилар эди. Хатто Ҳинд ҳукмдори асо солган шундай катта кутубхона ва материаллар ҳозиргиларига қиёсланганда жуда оз ҳисобланади. Бизларда хаттоки Акбарнинг брахманлардан жуда катта маблағ эвазига ололмаган деган манба ва материаллар мавжуд⁵⁹.

Акбар болалик чоғидан ислом муҳитида балоғатга етган бўлса ҳамки, лекин ёши улғайиши билан уни атрофдаги бошқа диний эътиқодлар мағз-мантиғи қизиқтира бошлади. У ўттиз-ўттиз уч ёшларида “асл ҳақиқат”ни идрок этишга бағишланган хос суҳбатларга бошчилик қилди(79.213б.). Кейинчалик “ибодатхона”да бўлиб турадиган диний-дунёвий мунозара ва мубоҳасаларда оташпараст, ҳиндупараст, насроний, яхудий каби бошқа дин вакиллари ҳам иштирок этиш ва эркин фикр билдириш ҳуқуқи берилди. Саройда ҳиндлар учун муқаддас бўлган сигирни сўйиш ва гўштини истеъмол қилиш ман этилиб, ҳиндупарастларнинг баъзи урф-одатларини жорий қилиш каби янги анъаналар, ички сиёсатда турфа тадбир-чоралар билан мустаҳкамланди. Акбар ерлик аҳоли орасидан иқтидорли кишиларни давлат маҳкамаларига ишга ёнлаш ва Бобур даврида Ҳиндистонга келиб ўрнашиб қолган мансабдорлар авлодлари орасида уларни аста-секин маҳаллий шарт-шароитларга кўниктириш сиёсатини юритди. У шунингдек, рожпутанлик рожалар билан қариндош-уруғчилик ришталарини боғлаб, кечаги кучли рақибларини ўз томонига оғдира билди. Оқибатда “ғайридинлар”дан олинадиган жон солиғи -

⁵⁸ Н. Низомиддинов. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Т. 2006. - Б. 145.

⁵⁹ Мюллер. М. Религия как предмет сравнительного изучения. - М.: Харьков. 1887. - С. 67.

жузия расман бекор қилинди. Бўлак турдаги солиқлар масаласида эса, ўз вақтида тўлашдан бош тортган “исёнкор” деҳқонлар жазоланар ва шунинг қаторида, заминдорлар зулми ҳаддан ошган тақдирда уларни ҳам чеклаб қўйиларди.

Акбаршоҳ шахсиятидаги туғма қобилият, ноёб қатъият, изчил тадбиркорлик ва гўзалликка ошно баркамол инсоний фазилатлар ҳақида ўтган беш аср давомида жуда кўп турфа эсдалик ҳамда илмий ва оммабоп рисоалар ёзилган, чоп этилган. Улар давр масофаси ёки мафкураси сабабли гоҳ шаклан, гоҳ мазмунан бир-биридан фарқланиб турса-да, лекин бир жиҳатдан шубҳасиз умумий маъно касб этади - таассуротлар тавсифининг анъанавий муболағадан кўра ҳаётийлигида. Ушбу фикр тўғрисида аниқ ва асослироқ тасаввур ҳосил қилиш учун, қуйидаги манбалардан айрим далиллар келтирамиз. Хусусан, португал миссионерининг эсдаликларида шундай маълумотни ўқиш мумкин:

“Менинг билишимча, у ўз фуқароларига бир вақтнинг ўзида иззат-ҳурмат, тобелик ҳамда кўрқув туйғуларини сингдира оларди. У севиқли раҳнамо бўлиб, кучлиларга қаттиққўл, паст табақаларга ва умуман фуқароларга - қўни-қўшни, насроний ё бутпарастми ким бўлмасин, уларга меҳр кўзи билан қарар ва қисқаси, ҳамма уни ўзи тарафида деб биларди”.

Америкалик муаррих Персивал Спейер эса Акбар ҳақида шундай деб ёзади: “У саводсиз бўлса ҳам хотиранинг кучлилиги ҳамда зукколикда бетакрор эди. У ўқитиб тинглашни обдон эгаллаган ва хаттот орқали ўз фикрини равон баён этишнинг устаси бўлиб, қаерга бор-масин, ўз оҳанрабоси билан ўша гуруҳнинг диққат маркази бўла оларди. У ҳар бир ишга жиддий киришар ва энг оддий ҳамда қулай услубларда мухолифларига нисбатан уни осонлик билан амалга ошириб, воқеалар йўналишини кўнглига жо қилган ҳолда кўзлаганини уддасидан чиқарди”.

Мисол тариқасида берилган ушбу лавҳаларнинг ўзиданоқ Акбарнинг феъл-атвори, фаҳм-фаросати, ақл-заковати ҳамда унинг ишга муно-сабати

қандай эканлиги аниқ-таниқ сезилиб ту-рибди. Лекин бизнинг назаримизда, Акбарнинг шахсияти ва беназир салоҳияти хусусида ўтмиш ёки келгусида қандай ижобий муносабатлар билдирилиб, таҳсинлар ўқилмасин, аммо унинг Ҳиндистон тарихига битган ўз “Аъмолнома”си сингари дунёга донг таратган салтанатининг шон-шуҳрати ҳақиқатини ҳеч ким ҳаққоний тасвирлаб бера олмаса керак.

Акбарнинг ички ва ташқи сиёсати натижаси ўлароқ мамлакат иқтисодиётида юз берган ўзгариш-лар илм-фан, санъат ва адабиётда ҳам ўз аксини топди. Меъморчилик соҳасида Ҳумоюн мақбараси ва Фатехпур Сикрий монументал қурилиши поёнига етказилди. Бу вақт ичида Рожпут тасвирий мактабида 1750 йилларгача давом этган бҳактий ғоялари асосида шри-Кришнани улуғловчи уйғониш даври тенденциялари шаклланди. Ва шунингдек, бевосита подшоҳнинг ҳомийлигида хаттотлик, мусиқа, мусаввирлик ва наққошлик санъати ҳам ривожланди. Шунингдек, Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556-1605) даврида Ҳиндистонда китобат ва расм санъати жуда тараққий топди. Кўплаб, араб, ҳинд ва санскрит тилларидаги асарлар форс тилига таржима қилинди, икки юздан зиёд рассомлар мўътабар қўлёзмаларни расмлар билан зайнатлаганлар. Ўн етти рассом юксак маҳорат эгаси бўлганини тарихчи ва вазир Абуфазл Алломий “Ойин-и Акбарий” асарида номларини келтирган. Подшоҳ ўзи ва аёнлари портретларини яратишни буюрган. Бу давр энг кўп расмли қўлёзмалар яратилган даври бўлиб қолган. Бобурийлар сулоласи ҳукмдорлари ичида «Буюк Акбар» деган унвонга сазовор бўлган Ҳумоюннинг ўғли Акбаршоҳ (1542-1605) 1556- йилда отаси тахтини эгаллади. Акбаршоҳ ҳамиша узоқни ко`злаб сиёсат юритди. Шу туфайли у Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини то`ла ва узил-кесил о`рната олди. Шунинг учун ҳам уни Ҳиндистондаги Бобурий ҳукмдорлар ичида энг улу-и «Буюк Акбар» деб аташган.

Акбар Ҳиндистон тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам энг буюк шохдир. Агар европалик ҳукмдорлар билан таққосланадиган бо'лса, Акбар улуг'ворликда ҳам, омадбарорликда ҳам улардан устун туради. Акбаршоҳ бундай буюкликка осонликча эришган эмас. Унинг асосий рақиби Ҳиндистондаги афғон қабилалари етакчилари эди. Акбаршоҳ қо'шини 1556- йилда афғон қабилалари қо'шинини тор-мор этди.

1559- йилга келиб тахт учун бобурийларга қарши кўрашнинг етакчи кучлари - афғонларнинг Сур сулоласи бутунлай янчиб ташланди.

Акбаршоҳнинг ҳукмронлик йиллари империянинг **олтин даври** бўлган. Акбаршоҳ зукко давлат арбоби, моҳир саркарда бўлиши билан бир қаторда, итоаткор ўғил, ғамхўр ота ҳам эди. Қўл остидаги халқларнинг турмуш фаровонлиги доимо унинг эътиборида тўрган. Камбағал, бевабечораларга мунтазам моддий ёрдам ко'рсатган.

Акбаршоҳ фалсафа, дин, адабиёт ва тарих илмини яхши эгаллаган. У бошқа дин вакилларига нисбатан ҳам адолатли сиёсат юритган. Акбаршоҳ мусулмон бўлмаганлардан ундириладиган «**жузья**» солиғини бекор қилган. Ҳиндларнинг зиёратгоҳларидан олинадиган солиқни ман этган. Империя ҳудудида ягона савдо солиғи жорий этилган. Ҳам холиса, ҳам жогирдорлар ерларидан тенг миқдорда солиқ ундирилган. Давлат идораларидаги лавозимлар, дини ва мазҳабидан қатъи назар, шахснинг салоҳиятига қараб тақсимланган.

Акбаршоҳ барча фуқароларга эътиқод эркинлиги берган. Бир сўз билан айтганда, Акбаршоҳ ҳиндлар билан мусулмонларнинг ёнма-ён, тинч-тотув яшашларига эришган. Акбаршоҳ юритган бундай адолатли сиёсат бобурийлар давлатининг улкан империяга айланишида, унинг маҳаллий аҳоли ва амалдорлар томонидан қо'ллаб-қувватланишида катта рол ўйнади. Бу эса, ўз навбатида, империянинг қудрати ва шон-шуҳратининг янада ортишига хизмат қилган.

Тарих фани бўйича “Тарих-и Акбаршоҳий”, “Ойин-и Акбаршоҳий, “Табақоти Акбарий”, “Хумоюннома” сингари дурдона асарлар ёзиб тугалланди. Акбарнинг Ҳиндистон маданияти олдидаги улкан хизматларидан яна бири шўқи, у қачонлардир шу замин даҳолари яратган кўҳна адабий ва диний-фалсафий ҳамда бошқа фанларга доир обидалар - Маҳабҳарата, Рамаяна, Лилавати ва ведаларни санскритдан Бадаоний, Нагибхон ва ака-ука Абул-фазл ҳамда Абулфайзийлар томонидан юқори савияда форс тилига таржима қилдириб, тез орада ҳинд тафаккури нодир намуналарини дунёга кўз-кўз қилди.

Бу даврда Ҳиндистон, Бобур ва Хумоюн ҳукмронлик қилган йилларга нисбатан юзлаб хори- жий, хусусан Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон фан ва маданият аҳли учун ижод лабораториясига айланди. Подшоҳ ташаббуси билан мусаввирлар Сайди Али ва Хўжа Абдусамад раҳбарлигида ҳинд эпосларининг форс тилидаги таржималарига расмлар ишланди. қатор ўртаосиёлик олим ва шоирлар ҳинд фани ва адабиётининг тараққиёти тарихида ўз турфа асарлари билан ном қолдирдилар. “Масалан, Мирзо Боқий Анжумий, қилич Муҳаммад Балхий, Сабуҳий Чиғатойй, Майли Хиравий ва Жудойй шулар жумласидандир”. Акбар мусулмон қалам соҳиблари билан бир қаторда мумтоз ҳинд адибларидан ҳам ўз марҳаматини дариғ тутмади. “Манохар, Бирбал, Ҳал Рау, Ражас Бҳагават Дас, Манг Сингҳ, Нар Харий ва бошқалар подшоҳ назарига тушган ижодкор”лар эди.

II боб бўйича хулоса

“Ману қонунлари” ҳинд халқи тарихида қадим замонлардан бери ўз мавқеъини сақлаб келаётган манбалардан биридир. У нафақат диний қоидалар балки сиёси, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар мажмуаси ҳамдир. Мазкур манба давлат тузилиши, ҳокимлар ва оддий фуқаронинг, шунингдек диний аъёнларнинг даражаси, уларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ тартиб ва низомлар акс эттирилган. “Ману қонунлари”нинг ўзига хос жиҳати у бошқа қонунлар каби расман ҳукмдорларнинг тазйиқи остида эмас, оддий халқнинг ўз ихтиёри билан амалга жорий бўлганлигидадир.

Ҳиндистоннинг кейинги даври бўлмиш Бобурийлар салтанати тарихида шубҳасиз Акбаршоҳнинг ўрни беқиёсдир. У Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Жавоҳарлал Нехру таърифлагани каби, Акбар - қадим замонлардан бери ҳаёл қилиб келинган бир давлатга фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бир бутун Ҳиндистонни эмас, балки бир халққа қўшилган ягона Ҳиндистон ҳақидаги орзуни қайта тиклади. Ва шу асосда, ҳиндистонлик мусулмонлар чинакам ўз замини - шу тупроқ фарзандига айландилар. Барча замонларнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган

диний бағрикенгликни амалиётга тадбиқ эта олди. Шу билан бирга рассомчилик, меъморчилик, адабиёт илм фан ривлжига катта хисса ўшган хукмдор сифатида тарих сахифаларида мухрланиб қолди.

III. Замонавий ҳиндистон жамиятида диний бағрикенглик сиёсатини олиб боришнинг ўзига хос тамойиллари

1. Диний бегоқатлик ва унинг салбий оқибатлари

Диний эркинлик Ҳиндистонда мамлакат Конституцияси билан белгилаб қўйилган асосий ҳуқуқлардан биридир. Бугунги Ҳиндистон давлати 1947 йилда вужудга келган бўлиб, Конституцияда мазкур давлатнинг дунёвий давлат эканлиги белгилаб қўйилган. Диний эркинлик тушунчаси Ҳиндуийлик сингари, ўзга динларга нисбатан мурасасозлик йўлини қўлловчи, анаънавий динлар замирида шакилланган. Ҳар бир фуқаро тинч йўл билан ўз диний амаллари ва ибодатларини амалга ошириш имконига эгадир. Лекин, шунга қарамай диний тоқатсизлик оқибатида Ҳиндистонда турли келишмовчиликлар ва муаммолар келиб чиқмоқда. Бундай ҳодисалар ҳукумат расмийлари, юқори қатлам вакиллари ҳамда суд ҳуқуқ тизими ходимлари томонидан қаттиқ танқид остига олиб келинмоқда⁶⁰.

⁶⁰ Rowena Robinson . Sociology of religion in India - Social Science – 2004.P.67.

Маълумки, Ҳиндистон тўрт йирик дин: Ҳиндуийлик, Жайинлик, Буддавийлик ва Сикхйлик вужудга келган заминдир. Бугунги кунда ҳам Ҳиндистон кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатдир. Гарчи ҳиндуийлик дини вакиллари 80 % дан зиёдни ташкил этсаларда бу ерда мусулмонлар, яҳудийлар ва христианлар ҳамда зардуштийлик динига эътиқод қилувчи аҳоли истиқомат қилади. Мусулмонлар оз сонли дин вакиллари ичида энг катта диний жамоа бўлиб, Ҳиндистон мусулмонлари жамоаси дунёда катталиги бўйича учунчи ўринда туради.

Диний эътиқод билан боғлиқ муаммолар, келишмовчиликлар ва қирғинлар тарихи узоқ даврларга бориб тақлади. Масалан, Қадимдан орийларнинг кириб келиши натижасида маҳаллий аҳоли, дравидлар, ўз диний эътиқодларини ўзгартиришга мажбур этилганлар. Бундан ташқари Маҳмуд Ғазнавий каби подшолар ҳиндуийларни аямай қирғин қилганлар, уларнинг эътиқодларини таҳқирлаганлар;

Баъзи бир Бобурий ҳукмдорлар, Аврангзеб сингари, ҳиндуийлик ва Сикхйлик каби бошқа дин вакилларига нисбатан зўравонлик сиёсатини юргизганлар⁶¹;

Гоа инквизицияси эса ҳиндуийлар, мусулмонлар ва яҳудий фуқароларни ўз қонунлари асосида жазолашни йўла қўйиб, кўплаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкканлар.

Бу каби диний бетоқатлик асосида ўзгаларга нисбатан зулм қилиш, қийнаш, ёхуд уларни тамомила қирғин қилиш ҳолатлари Ҳиндистон мустақилликка эришган, 1947 йилдан буён ҳам барҳам топгани йўқ. Аксинча, Ҳиндистонда баъзи дин вакиллари, хусусан, мусулмонларга қарши ҳиндуий ва сикх динидаги оломон тарафидан уюштирилаётган ҳужумлар ва тазйиқлар 1947 йилдан кейин янада ортиб кетди. Хусусан,

⁶¹ The legacy of Muslim rule in India Kishori Saran Lal - History - 1992

1964 ва 1979 йиллардаги Жамшидпур, 1989 йилги Бҳагалпур, 1992 йилги Мумбай ғалаёнлари бунинг мисолидир⁶².

Агар эътибор берилса, бўлиб ўтадиган ҳар бир тартибсизликларга асосан арзимас ва айнаи вақтда эътиқодий ишлар сабаб бўлишини кузатиш мумкин. Мисол учун, 1992 йилда Бабри масжиди Ҳиндулар оломони тарафидан вайрон этилди, бунинг асосий сабаби масжид қурилган жой илоҳ Рамнинг туғилган жойи ҳисобланиб, Ҳиндуийлар учун муқаддас ҳисобланган. Қизиқ ҳолат шуки, масжид қурилаётганда, ана шу ҳиндлар қаерда бўлган деган савол очик қолади.

Ҳинд-мусулмон мажароларининг табиийки саббалари жуда кўп. Лекин, мулоҳаза қилиб шуни айтиб ўтиш мукинки, 1947 йилдан сўнг Британия кўл остидаги ягона Ҳиндистон иккига бугунги кундаги Ҳиндистон ва Покистонга ажралиб кетди. Натижада икки ёш мустақил давлат ўртасида барча соҳаларда ўзаро рақобат бошланиб кетди. Авваллари бир мамлакат фуқороси бўлиб яшаб келган одамларда эндиликда бир бирига нисбатан душманона кайфият пайдо бўлди. Бугунги кунда Ҳиндистонда 150 мил.дан ортиқ мусулмонлар яшайди. Бу умумий аҳолининг 13 %ига тенг демакдир.

Аммо, қирғинлар фақат мусулмонлар билан бўлган дейиш ҳам хато. Бунга 1984 йилда бўлиб ўтган Анти-сикҳ қирғини яққол мисол бўла олади. Бу қирғин айтиш муумкинки, Ҳиндистон тарихига энг мудҳиш воқеаълардан бири сифатида кирган. Мазкур қирҳин Ҳиндистондаги сикҳларга қарши уюштирилган бўлиб, унда 3000 дан ортиққ инсон қурбон бўлган. Қирғиннинг бошланишига асосий сабаб сифатида, Ҳиндистоннинг ўша вақтдаги бош вазири, Маҳатма Гандининг қизи ва Ражив Гандининг онаси, Индира Гандинининг 1984 йил 31 октябрь куни ўзининг сикҳ тан соқчиси томонидан отиб ўлдирилиши кўрсатилади. Ҳиндистон Марказий разведка бошқармасининг хабарига кўра қирғин

⁶² "India hit over religious violence". BBC News. 2009-08-13. Retrieved 2010-05-02

амалиёти Дехли полициси ва ҳукумат бошлиғи Ражив Ганди, Индира Гандининг ўғли, томонидан уюштирилган ва қўллаб қувватланган. Ражив Сонгресс аъзоси бўлиб, онаси вафотидан сўнг мамлакат Бош Вазири этиб тайинланган эди. Ундан онасига нисбатан уюштирилган суиқасд ҳақида сўралганда “...қачонки катта дарахт куласа, ернинг зирқираши аниқ” деб жавоб берган. Бу билан у бўлажак қирғинларга эҳтимол шама қилгандир.

Индира Гандинингвафот этиши натижасида бошланиб кетган қирғинлар айниқса Дехлининг Султанпури, Манголпури, Трилоқпури ва Транс-ямуна ҳудудларида дахшатли тус олган. Турли нарсаларни қурол қилиб кўтариб олган оламон дуч келган сикҳни, эрми ёки аёл ҳаттоки ёш болаларни, бирдаё ўлдириб,тириклайин ёқиб бораверган.

Агар бўлиб ўтган бу воқеанинг тарихига бироз назар солинса, барчаси бирдан бўлмай аксинча, бир мунча вақтдан буён қизғин тарзда давом этиб келаётган тортишувлар ва норозиликларнинг натижаси эканлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб сикҳлар баъзи талаблар билан чишар эди. 1973 йилда ҳукуматга қарши бўлган сикҳ жамоалари Анандпур Соҳиб Резолюциясини қабул қилган эдилар. Унда Панджоб ва Сикҳларга алоҳида мақом берилиши талаблари битилган эди. 1970 йилларнинг охирлари ва 1980 йилларнинг бошларига келиб Панжобдаги диний-сиёсий вазият ёмонлашиб кетган эди. Бунга асосий сабалардан бири сифатида автоном республика мақомини олиш тарақдори бўлган ва шу мақсадда ҳаракат қилаётган сикҳ раҳнамоларининг Индира Ганди ҳукумати томонидан қамоққа олиниши ҳам бўлган. Шунингдек, 1983 йилнинг июнь ойида ўтказилган “Мовий юлдуз операцияси” натижасида Олтин ибодатхонага кириб яшириниб олган сикҳ қуролли жангарилари айнан Индира Гандининг буйруғига кўра Ҳиндистон

куролли кучлари томонидан тўлиқ йўқ қилиб ташланганлиги сикҳларда Бош Вазирга нисбатан нафрат уйғотган эди.

Ҳиндистондаги диний тоқасизликлар, фақатгина XX асрагина тегишли бўлма, янги асрда ҳам давом этиб келаётгани ачинарли ҳолатдир. Гужаротда юз берган тартибсизликлар бунинг яққол мисолидир. 2002 йилда юз берган Гужарот қирғини ҳинду зиёратчилар қайтаётган Годҳара пойёздининг мусулмон оломони тарафидан тўхтатилиб ёқиб юборилиши оқибатида келиб чиққан эди. Ёнғин чоғида 58 та йўловчи ҳалок бўлган, уларнинг 25 таси аёл, 15 таси болалар бўлган⁶³. Аммо Гужаротда бошланиб кетган тартибсизликлар натижасида расмий маълумотларга кўра қурбонлар сони 1044 га етган. Улардан 754 таси мусулмонлар ва 290 таси ҳиндлар бўлган⁶⁴.

Бундан ташқари Бест Байкер воқеаси ҳам энг мудҳиш воқеалардан бири бўлиб, унда 14 одам ваҳшиёна тарзда ўлдирилган эди.

Бу каби ишлар шубҳасиз халқаро жамоатчиликнинг эътиборини Ҳиндистонга қаратди. Хусусан, Халқаро диний эркинлик бўйича АҚШ Комиссияси Ҳиндистонни ўз ҳудудидаги оз сонли дин вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилмаётган давлатлар рўйхатига киргизди⁶⁵. Бунга асосий сабаб сифатида кейинги вақтда Ҳиндистонда диний можароларнинг кўпайиб бораётгани эканлиги кўрсатилган. АҚШ Халқаро диний эркинликлар бўйича Комиссияси 2002 ва 2008 йилларда христианлар ва мусулмонларга қарши бўлиб ўтган қонли воқеаларни ўз баёнатида келтириб ўтган.

Ҳиндистонда социал диний муаммоларга асосланган муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу муаммоларни

⁶³ "Godhra verdict: 31 convicted in Sabarmati Express burning case". The Times Of India. 22 February 2011. Retrieved 24 February 2011

⁶⁴ Burke, Jason (22 February 2011). "Godhra train fire verdict prompts tight security measures". The Guardian (London). Retrieved 24 February 2011

⁶⁵ "International Religious Freedom Report 2006 - India". U.S. Department of State. Retrieved 2006-11-08.

янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет диншунослик, социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиз. Чунки бунда нафақат бу муаммони, балки бутун ижтимоий ҳайт жараёнларини кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилиб муаммоларна ечишга ёрдам беради.

2. Замонавий Ҳиндистонда диний бағрикенглик тамойиллари кўринишлари

Кишилиқ жамияти турли этник низолар, конфликтли вазиятлар, тўқнашувлар юки остида қолган ҳозирги даврда, бир томондан, инсоният ўзининг бир бутунлигини, иккинчи томондан, алоҳида олинган ҳар бир жамият ички бирлиқ, тотувлиқ ва ҳамкорлиқ бўлгандагина мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, янгилари пайдо бўлишининг олдини олиш ва тараққиётни таъминлаш мумкинлигини тобора чуқур англаб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият ривож манфаатлар, қадриятлар ва хулқ нормалари умумийлигига асосланадиган, ўзаро алоқаларнинг даражаси, кучи, характерига кўра фарқланадиган кишиларнинг нисбатан барқарор бирликлари – ижтимоий гуруҳларнинг шаклланишига олиб келди. Хусусан, бугунги кун илмий адабиётларида турли социал қатламлар, этник бирликларни ўз ичига оладиган катта, қишлоқ, туман, шаҳар аҳолиси бирлигини характерлайдиган ўрта, оила, бригада, ўқув гуруҳларини қамраб оладиган кичик ижтимоий гуруҳлар фарқланади. Катта ва ўрта гуруҳларга хос хусусиятлар нисбатан барқарорлиги, қисқа оралиқда мавжуд бўладиган кичик гуруҳлар ўзгарувчанлиги билан ажралиб туришини қайд этиш лозим.

Жамиятнинг юқоридаги каби гуруҳларга бўлиниши узоқ давом этган

ижтимоий жараёнларнинг ҳосиласидир. Жумладан, ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши, мулкчилик муносабатларининг ривожига турли ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлса, асосан, аграр ва индустриал ишлаб чиқаришга ихтисослашув қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш тарзидаги ўзига хосликларнинг шаклланишига замин яратди⁶⁶.

Инсониятнинг этномаданий ривожланиши эса қабила, элат ва миллат каби бирликларнинг юзага келишига ва жамият этник структурасининг мураккаблашишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кенг маънода ижтимоий бағрикенглик ана шу гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг характери, унинг ижобий мазмунга эгаллигини англатади.

Айни пайтда, тарихан ҳар бир ижтимоий гуруҳ доирасида бағрикенглик ўзига хослик касб этганини ҳам таъкидлаш зарур. «Этник бағрикенглик» ва «диний бағрикенглик» каби тушунчаларнинг шаклланиши ҳам мазкур хулосанинг ўринли эканини тасдиқлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий бағрикенглик тушунчасини тор маънода, яъни жамиятдаги мавжуд ижтимоий қатламлар, синфлар ўртасидаги муносабатларнинг характери тавсифлаш учун қўллаш ўринлидир. Шу маънода, ижтимоий бағрикенглик ўзаро муносабатларда турли ижтимоий қатлам ва синфларга хос жиҳатларни тўғри тушуниш, англаш ва баҳолашни ҳамда унга асосланган амалий фаолиятни ифода этади.

Ижтимоий бағрикенглик масаласи жамият социал структурасининг мураккаблашиб боришига ҳамоҳанг равишда ҳамиша долзарб бўлиб келган. Ижтимоий тизим элементлари ўртасидаги барқарор ва тартибли алоқаларни англатадиган яхлит ҳодиса ҳисобланмиш социал структура

⁶⁶ Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили/Масъул муҳаррир А.Очилдиев. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. –Б. 15. (Бундан кейин: Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили.)

Ўзгарувчан характерга эгалигини қайд этиш лозим. Бу бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидан бошқасига ўтиш даврида айниқса яққол намоён бўлади. Бунда ижтимоий гуруҳларнинг жамият социал структурасидаги ўрни, мавқеи тез ўзгариши мумкин. Шу билан биргаликда, кескин ижтимоий ўзгаришлар социал гуруҳларнинг қатламлараро даражада ёки муайян қатлам ичида содир бўладиган вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлиги (мобиллиги)ни ҳам келтириб чиқаради. Айни пайтда, бундай ўзгаришлар бир авлод, икки авлод (ота-бола), уч авлод (ота-бола-набира) доирасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Социал структурадаги кескин ўзгаришлар ижтимоий онг ва маънавий ҳаётдаги беқарорликни ва унинг оқибати сифатида тоқатсизлик ва мурасасизликни ҳам, ўзаро ҳамкорлик ва толерантликка асосланган янги мазмундаги ижтимоий муносабатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Тарих жамиятда кескин ижтимоий табақалашув, қашшоқлик даражасининг кучайиши, ночорлар, ёрдамга муҳтож кишилар сонининг ўсиб бориши, социал адолат нормаларининг бузилиши хилма-хил кўринишдаги тоқатсизлик ва мурасасизлик қарашлари ҳамда ҳаракатларининг пайдо бўлишига йўл очишини кўрсатади. Мавжуд муносабатларнинг мазмунига ижтимоий-фалсафий фикр ривож тарихида ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, қадимги Миср, Ҳинд, Хитой манбалари, буюк мутафаккирлари қарашларида ижтимоий ҳамкорликнинг инсонлараро тотувликни таъминлашдаги бекиёс аҳамияти билан бир қаторда, улкан бунёдкорлик қудратига эгалиги кўрсатилганини қайд этиш лозим. “Бағрикенг” (“толерант”) атамасининг луғавий маъноси лотинча чидамоқ сўзидан олинган. Толерантлик бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Диний бағрикенглик виждон эркинлиги ва маънавият жихатдан катта аҳамият касб этади, у бошқа шахс ё динга ҳурматни билдиради. Турли дин ҳамда

конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшабини англатади. Худди шунингдек, маданий бағрикенглик ўзга тилда яратилган санъат ва маданият бойликларидан ўз маданиятини устун кўрмаслик, улардаги маъно ва гўзалликни тан олиш, ўзга маданиятлардан ниманидир ўрганишни билдиради. Маданий бағрикенглик турли миллатга мансуб зиёлиларни бир бирига руҳан яқинлаштиради. Ўзидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олишга ёрдам беради. Этномаданий ҳамкорлик ягона мамлакатда яшовчи турли миллатга мансуб халқларнинг муайян мафкура асосида қўлни қўлга бериб ишлаши, бир мақсад йўлида фаолият олиб боришини билдиради. Диний бағрикенглик, яъни Толерантлик шахслараро, гуруҳлараро, шахс-давлат, ижтимоий гуруҳлар ва давлат, миллат-миллат, далаат-давлат каби турфа муносабатларнинг маънавий-маданий савиясини белгилаб берувчи муҳим категориядир. Бағрикенглик дунёдаги турли маданиятларни, ўзини ифодалаш ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллариини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Толерантлик миллий-маданий алоқаларнинг самарадорлигини оширувчи воситадир.

Халқаро коммуникация каналининг кенгайиши, турли шаклдаги информатив ахборотлар, сюжетлар, кино ва видео фильмлар ёйилишининг кучайиши муносабати билан одамлар хатти-ҳаракатида, нутқ манерасида, имо-ишорасида, ҳаракатланиш маромида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маданий алоқалар негизида миллатлар урф-одати юзасидан маълумот олиш, мамлакат-лар табиати билан танишиш, янги технология моҳиятини англаш, жаҳон цивилизациясини эгаллаш кабилар ривожланади. Бу ижтимоий тараққийпар-варлик ифодаси бўлиб, ёшларда миллатлараро байналмилалчилик туйғусини таркиб топтиради.

Толерантликнинг ривожланиши оддий инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан тортиб, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган барча

жараёнлар учун ҳам муҳим зарурат бўлиб, у шахс баркамоллигини белгилаб беради⁶⁷. “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”да бағрикенглик тушунчасига шундай таъриф берилган: “Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳукуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенлик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир”⁶⁸.

Бундай қарашлар асосини Ҳиндистондаги мавжуд диний эътиқодлар асосида ҳам кузатишимиз мумкин⁶⁹. Ҳар бир давлатда бўлгани каби бу давлатнинг ҳам ушбу йўналишда ўз йўналиш ва қарашлари мавжуд.

Ҳиндистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ҳиндистоннинг жўғрофий жойлашуви, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Ҳиндистон ўзининг диний бағрикенглиги билан ҳамиша бошқа ўз ўлкаларида тазйиққа учраган диний жамоалар учун паноҳ бўлган.

Яҳудийлар: яҳудийлар ҳинд заминида яшашган ва савдо-сотик билан шуғулланганлар. Ҳиндистонда ўрнашиб қолган энг қадимги яҳудий жамоалари Кочин⁷⁰ шаҳрига Яҳудия ва Исроилдан савдо ишлари билан бундан деярли 2,500 йиллар аввал келиб қолганлар, ҳамда бугунги кунда “Кочин яҳудийлари” деб аталади. Яҳудийларнинг битикларига кўра илк

⁶⁷ Кант И. Собрание сочинений. В 8 т. Т. 6. Москва. -1994. С.242.

⁶⁸ Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси // ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2004. –Б. 91.

⁶⁹ Л.В.Баева. Толерантность: идея, образы, персоналии., Москва.-2009. С.21.

⁷⁰ Бугунги кунда мазкур шаҳар Керала деб аталади

бор яҳудийлар Ҳиндистонга милоддан аввалги 562 йилда келганлар. Милодий 68 йилда Қуддус шаҳри римликлар тарафидан эгалланганидан сўнг, кўплаб яҳудийлар оммавий тарзда Ҳиндистонга кўчиб кела бошлаганлар.

Христианлар: дастлабки христианларнинг Ҳиндистонга келиши милоднинг биринчи асрига тўғри келади.

Зардуштийлар: диний эътиқодлари сабабли ўз юртларидан қивғин қилинган зардуштийлар IX асрда Ҳиндистонга келиб ўрнашганлар.

Тибет Буддавийлари: Тибет буддавийлигининг раҳбари бўлмиш Далай Лама Ҳиндистонда истиқомат қилади.

Баҳойлар: Ҳиндистон бугунги кунда дунё бўйича Эрондан қочиб чиққан энг кўп баҳойлар жамланган ҳудуддир.

Миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Ҳинд халқининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқнинг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенглигининг маънавий асосини ташкил қилишнинг асосий омилларидан ҳисобланар. Ҳозирги кунда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан Ҳиндистонда вужудга келган буддавийлик христианлик, ислом ва ҳиндуизмдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Буддистларнинг сони тахминан 700 млн. атрофида бўлиб, улардан 1 млн. га яқини роҳиблардир. Буддавийлик турли миллий ва диний анъаналар билан келишувчанлиги сабабли кўп миллатлар томонидан кенг қабул қилинганлиги билан ажралиб туради.

Ислом дини ҳам Ҳиндистонда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳинд мусулмонларининг ўзига хос жиҳатларига асосланиб айтиш мумкинки, гарчи ҳинд ва мусулмонлар эътиқоди икки хил давр ва маънавий муҳитга тегишли бўлсада, аммо ҳар икки тараф вакиллариининг ўзаро муносабатлари, ўртадаги муайян зиддият унсурларидан қатъи назар, умумий турмуш тарзи ва тақозоси остида шаклланган.

Сикҳийлик диний таълимотининг яратилиши ҳам “ҳинд-мусулмон муаммоси” маънавий-сиёсий ечимининг бир кыриниши эди. Фанда ҳинд ва мусулмонларнинг муроасага келиши, асосан, маиший-иҷтимоий заруриятлар тақозоси замирида шарҳланади:

“Мусулмонлар ҳиндлар ичида яшаганлари учун доим улар билан муҳолифатда былишлари мумкин эмасди. Истилодан кейинги ҳаяжонлар сўниб, ўзаро алоалар борган сари яхшилангач, ҳинд ва мусулмонлар ўртасида қўни-ўшничилик ришталари пайдо была бошлади. Ушбу муносабатларнинг мустаҳкамлашуви бор бутунлигича на ҳинд ва на мусулмонларники бўлмаган янги бир “ҳинд-мусулмон маданияти”ни юзага келтирди”⁷¹. Ҳиндуизм ҳам жуда мураккаб диндир. У бир томондан йирик иҷтимоий ташкилот, иккинчи томондан турли динлар қоришмасидир. Иҷтимоий ташкилот сифатида кастачилик асосига қурилган.

Бу дин, асосан, Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83 фоизи, яъни 650 млн. киши шу динга эътиқод қилади. Ҳиндуизм эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради. Шуниси қизиқки, ҳиндуизм ўзининг асоси ҳисобланадиган ведизм ва брахманликдан ташқи кўринишда фарқланади. Унда янги брахманлик динлари, тўғрироғи, оқимлари мужассамдир. Уларнинг барчасини умумий жиҳатларига қараб бир гуруҳга жамлаш мумкин: тушунча ва қонунларнинг асл манбаи бўлган ведаларнинг муқаддаслиги; гуру (пир, устоз)нинг тан олиниши; муқаддас жойларга зиёратга бориш; санскритнинг муқаддас тил эканлиги; ва ниҳоят, сигирнинг муқаддас эканлиги. Бу беш қоида ёки ақида умум томонидан тан олинган бўлса-да, кўп сонли эътиқод қилувчилар орасида ўзига яраша фарқ ва ўзига хослик касб этган.

⁷¹ Н.Низомиддинов. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом.Т. 2006. Б.139.

Ҳиндуизмда кейинги даврда ведалардан ташқари халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, «Махабхарата» ҳам муқаддас ёзувлар қаторига қўшилган. Ҳиндуизмда ҳам брахманлар асосий ўринни эгаллайди.

Ҳиндуизм таълимотига кўра, брахманлар нафақат олий табақа вакиллари, балки оддий халқ ичидан, ҳатто аёллардан бўлиши ҳам мумкин. Ҳиндистонда шиваизмнинг ўн учга яқин асосий оқимлари мавжуд.

Бундан ташқари Ҳиндистонда жайнийлик дини мавжуд бўлиб, таълимотининг асосий ғояси деярли барча ҳинд динлари учун умумий бўлган кармалар ва нирвана ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Таълимот асоси бошқа эътиқодлар сингари ахлоқий қоидаларни бажаришни талаб қилишда ифодаланади. Шунингдек, Ҳиндистонда мавжуд динлардан бири Сикхйлик бўлиб, унинг талқинида ҳиндуизмдаги Брахма, Вишну, Шива ва исломдаги Аллоҳ бир илоҳиётда мужассам бўлади. айнан шу жиҳатининг ўзи ҳам диний бағриенгликга яққол мисол бўла олади. Кейинги йилларда сикхйликда ҳиндуизм одатларини ўзлаштириб олган дин вакиллари билан соф сикхлар орасида бўлиниш кузатилмоқда.

Шунга қарамай Ҳиндистон тарихида Ж.Неру "...биз ягона мустақил давлатга эришдик. Энди навбат миллатга"⁷², деб ягона миллатнинг устуворлигини белгиламоқчи бўлган эди. Аммо, кўп коффеционал давлатда бу ғояни амалга ошириб ўлмаслигини вақтнинг ўзи исботлаб берди. Ҳозирги кунда Ҳиндистон конституциясида ҳар бир фуқаро миллатидан, ирқидан, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар тенг ҳуқуқли ва қонун ҳимоясидадир⁷³. Бундан ташари Ҳиндистон конституциясидаги виждон эркинлиги ҳақидаги қонун ва фармоишлар ҳиндистон сиёсатининг диний бағриенглик ва миллатлар аро тотувликга қаратилган сиёсатидан далолатдир. Ҳиндистон дунёвий давлат бўлганлиги сабабли мавжуд динларнинг эзгу ғоялари ва давлат қонунчилиги асосида

⁷² Қаранг: Modern history sourcebook/ Jawaharlal Nehru. <http://Fordham.edu/>.

⁷³ Д.Б.Арамов. Светское государство и религиозность в Индии. Москва.-2011.С.75.

кўп конфессионал ҳамда кўп миллатлик Ҳиндистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликга эришиб келинмоқда.

Ўз навбатида, турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиши ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермаслиги тарихдан маълум. Шунга қарамай социал масъулият, жамият, миллат бирлиги, жипслиги ва тақдирига дахлдорлик туйғусининг ижтимоий онгда устувор бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳиндистоннинг бугунги кунда Президенти Ҳиндуий (Пранаб Мукуржи), Вице Президенти мусулмон (М. Ҳамид Ансорий), Бош Вазири сикх (Манмоҳан Сингх), мудофаа вазири эса христиан (А.К. Антоний)дир. Бундан ташқари “Ҳиндистон Миллий Конгресси” партиясининг етакчиси Сониа Ганди католик христианидир. Ҳиндистоннинг собиқ Президенти Апж Абдул Калом эса мусулмон бўлган.

Ҳиндистон жамиятининг турфалиги милоддан аввалги учунчи асрда подшо Ашока тарафидан ўйдириб ёзиб қўйилган битикда ҳам ўз аксини топган: “Подшо Ашока барча илоҳларни эозлайди, барча жамоаларни зоҳидларни ҳам, оддий фуқорони ҳам, илоҳларига бошқа йўл билан ибодат қилаётган кишиларни ҳам кадрлайди. Бирор бир эътиқод ортиқча улуғланиб, бошқаларнинг эътиқоди таҳқирланиши керак эмас, ёки ҳес бир эътиқод қонунлардан ташқари чекланиши керак эмас. Аксинча ҳар бир динга ўзига муносиб тарзда муомала қилинмоғи шартдир”⁷⁴.

Император Кервала эса ўз битикларда қуйидаги шиорни илгарпи сўрган: “sava pasa-nd-a-puujako, sava devaayatana-sanskaarako” (мен барча динларнинг мухлисман, мен барча ибодатхоналарни тикловчиман).

Бадоюн ўзининг “Мунтахаб ат Таворих асари”да келтиришича буюк Бобурий ҳукмдор, “Динии илоҳи” эътиқодини жорий қилган, Акбар шоҳ ўз мамлакатада диний эътиқод масаласила шундай фармон чиқарган: “...бирор бир ҳинду динига эътиқод қилувчи киши мусулмон динига

⁷⁴ de Lingen, John; Ramsurrun, Pahlad. *An Introduction to The Hindu Faith*. Sterling Publishers Pvt. Ltd. p. 2. ISBN 978-81-207-4086-0.

мажбуран ўтказилган бўлса, ўз ота боболарининг динига қайтишга рухсат берилади. Ҳеч кимнинг диний ишларига аралашилмайди, агарда кимки ўз эътиқодини ўзгартиришни истаса унга рухсат берилади. Кимки ибодатхона, будхона ёки оташгоҳ қурмоқчи бўлса унга қаршилиқ қилинмайди”.

III боб бўйича хулоса

Турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиши ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермаслиги тарихдан маълум. Шунга қарамай социал масъулият, жамият, миллат бирлиги, жипслиги ва тақдирига дахлдорлик туйғусининг ижтимоий онгда устувор бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда Ҳиндистонда социал диний муаммоларга асосланган муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу муаммоларни янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Ушбу имкониятлардан кенг фойдаланаётганига гувоҳ бўлаяпмиз.

Хулоса

Хулоса ўрниди шуни келтириб ўтиш мумкинки, қадимги Ҳиндистон тарихи мобайнида ижтимоий, сиёсий, маданий ва диний ҳаёт ўзига хос ранг баранг тарзда кечганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бир тарафдан узоқ ўтмишга эга Веда таълимотлари ўз мавқеъини йўқотиб борса, иккинчи тарафдан ҳиндуийлик, буддавийлик, ҳиндуийлик, жайнийлик, сикхйлик таълимотларининг юзага келиши бу ердаги мураккаб ижтимоий вазиятдан далолат беради. Хеч бир ерда учрамайдиган каста тизими билан ҳам Ҳиндистоннинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, ўз инсоний қадр-қиймати, ғурурини англаши, ихтиёрига яраша фаолият кўрсатиши ҳамда диний-ижтимоий ҳаётда эмин-эркин яшаш ҳуқуқига эгаллигини Ҳиндистон тарихида ведизм томиридан илдиз отган браҳманлик ва жайнийлик каби диний таълимотлар босқичини босиб ўтишига замин яратган.

Ҳиндистон тарихида турли таълимотлар мавжуд бўлгани ҳолида

уларнинг ўз тартиб қоидалари ҳам бор бўлган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихнинг узоқ синовларига дош бера олмай ўз аҳамиятини йўқотган. Лекин, бугунги кун қадар етиб келган қоидалар тизими мавжу. Ана шундай тўпламлардан бири бўлган “Ману қонунлари” ҳинд жамиятига катта таъсир кўрсатган. Бундан ташқари замонавий Ҳиндистон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Мазкур қонунлар тўплами ҳақли инсоният тарихидаги ютуқлардан бири деб эътироф этиш мумкин.

Бобурийлар салтанати тарихида, Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Жавоҳарлал Нехру таърифлагани каби Акбар, қадим замонлардан бери ҳаёл қилиб келинган бир давлатга фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бир бутун Ҳиндистонни эмас, балки бир халққа қўшилган ягона Ҳиндистон ҳақидаги орзуни қайта тиклади. Ва шу асосда, ҳиндистонлик мусулмонлар чинакам ўз замини - шу тупроқ фарзандига айландилар. Барча замонларнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган диний бағрикенгликни амалиётга тадбиқ эта олди. Шу билан бирга рассомчилик, меъморчилик, адабиёт илм фан ривлжига катта ҳисса ўшган ҳукмдор сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди.

Турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар мавжуд бўлган шароитда уларнинг интилиши ва манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермаслиги тарихдан маълум. Шунга қарамай социал масъулият, жамият, миллат бирлиги, жипслиги ва тақдирига дахлдорлик туйғусининг ижтимоий онгда устувор бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда Ҳиндистонда социал диний муаммоларга асосланган муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналишларини натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу муаммоларни янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Ушбу имкониятлардан кенг фойдаланаётганига гувоҳ бўлаяпмиз.

Глоссарий

1. Веда - санскрит тилида “билим” дегани.
2. Брахма - ўз фаолияти бўйича коинотда-ги ҳаётнинг барча шакллари билан бирга, шунингдек, ҳис-туйғулар мажмуини ҳам бошқаради.
3. Вясадева - қатор ҳинд диний манбалари- ни тўплаган ва яратган муаллиф.
4. Брахман - кишиларнинг ҳинд жамиятида тўтган ўрни ва касб-кори бўйича табақаларга ажратувчи Веда талқинига кўра, энг юқори табақа ваки-ли.
5. Кшатрий - санскрит тилидаги “кшатра”, яъни “ҳукмронлик” сўзидан олинган бўлиб, у олий табақанинг иккинчи поғонасига мансуб ҳарбий сар-карда ёки аристократ.
6. Вайшия - ибтидода ҳунарманд ва деҳ-қонлар табақаси бўлиб, ўрта асрлардан бошлаб уларга савдогарлар ҳам қўшилган.

7. Шудра – олий насаб зотларга хизмат қи-лувчи энг қуйи табақа вакили.
8. Калиюг - ҳиндлар ҳисобида қарийб беш минг йил муқаддам бошланган ва қиёмат кунигача давом этадиган жанжал-тўпалон ва мунофиқликлар даври.
9. Упанишадлар - фалсафий трактатлар ва метофизик талқинлар йиғиндиси. Уларда асосан универсал Рух ва индивидуал руҳнинг бирлиги ҳа-қида фикр юритилади.
10. Пуран - ўн саккиз қисмдан иборат бўлиб, ведаларнинг таҳлилига бағишланган асар. Унинг биринчи олти қисми гумроҳлар, иккинчи олти қисми ҳис-ҳаяжон бандалари ва учинчи олти қисми комил фазилатлилар аҳли таърифидан ибo-рат.
11. Бҳагавад-гита - “Маҳабҳарата” эпосининг муайян бир қисми сифатида, дунёнинг ибтидосидан то қиёмат қойимгача бўлган даврлар тарихини ўзида акс эттирган. Бу жараён, тангри шри-Кришнанинг садоқатли дўсти Аржун билан қилган суҳбати орқали баён қилинган.
12. Шанкар Ачаря - VIII-IX асрлар оралиғида упанишадлар, “Веданта-сутра”, “Бҳагавад-гита” сингари йирик диний манбаларга тафсирлар ёзган индуизмнинг йирик ислоҳотчиси.
13. Атма - индивидуал руҳ ёки инсон қалби.
14. Пандит - олим, ҳинд теологларининг илмий унвони. Бу унвонга санскрит тилидаги классик адабиётни мукаммал эгаллаган билимдонлар ҳам ноил бўлишлари мумкин.
15. Тамил - ҳозирда Ҳиндистоннинг жану-бий штатларининг бири, пойтахти Мадрас шаҳри.
16. Адвейта - бутун борлиқнинг ягона асос-да мавжудлиги ҳақидаги таълимот. Адвейта сўзи-нинг фалсафий маъноси тасаввуфдаги “Ваҳдатул вужуд” тушунчасига яқин.

17. Индра - Веда эътиқодидаги энг нуфузли илоҳ, уни илоҳлар подшоҳи ҳамда ёмғир ва мома-қалдирок худоси ҳам дейилади.
18. Сом - веда илоҳлари пантеонидаги худоларнинг бири. Шунингдек, худолар учун сар-маст қилувчи ичимлик тайёрланадиган ўсимлик номи.
19. Савитри - Сатяван тангрининг аёли ва эрга вафодорликнинг рамзи.
20. Пражапатий - яратувчи Тангрининг номи ёки Брахманинг эпитети.
21. Самхит - ведалар мажмуи.
22. Тиртханкар-жайнийлик таълимоти асосчиларининг умумий номи.
23. Махавира - аслида Жинадан олинган Жайн номининг эпитети.
24. Нирвана - ҳинд динларидаги транс ҳолатига муяссарлик мақоми. Бу сўз луғавий жиҳатдан “сўниш” ёки “йўқ бўлиб кетиш” маъносин билдиради.
25. Бўддхисатва - буддизмнинг маҳаяна йўналишида оддий авомни дин сари бошловчи роҳиб.
26. Сангх - буддизмнинг илк даврига тегишли роҳиблар жамоасининг номи. Мазкур сўз ҳинд тилида “гурух” ёки “иттифоқ” маъносида ҳам истифода қилинади.
27. Стхавиравада - буддизмдаги хос кексалар таълимоти.
28. Маҳасат - санскрит тилида “улуғ ҳақиқат” маъносида ҳам ишлатилади.
29. Архат - буддизмдаги “ҳинойна” йўналишида нирванага муяссар бўлган роҳиб.
30. Чамара - индуизмда табақа тизимига киритилмаган кишилар.
31. Тантризм - луғавий жиҳатдан санскрит тилида тизим, тўқиш, анъана ва афсун, яъни магия маъноларини англатади. Таълимот сифатида индуизм ва буддизмнинг турли йўналишларига тегишли бўлиб, уни ҳатто орийларнинг Ҳиндистонга келишидан муқаддам даврлардаги ерлик “дравид дини”дан келиб чиққанлиги тахмин қилинади.

Тантризмнинг характерли жиҳатлари сирасига аёллик ва қисман эрлик асоси хусусидаги билим ҳам киради.

32. Синтоизм - японларнинг “Худолар йўли” деб аталувчи қадимий эътиқоди.

33. Ками - синтоизмдаги Тангрининг номи.

34. Жўгасутра - Патанжалӣ қаламига ман-суб йога таълимоти ҳақидаги манба.

35. Эманация - Лотин тилида тугаллик маъ-носини билдириб, фалсафий тушунчада эса, жами алоҳида нарсаларнинг ягона Бирликдан пайдо бўл-ганлигини ифодалайди.

36. Мутазиллийлар - VIII-IX асрларда араб халифалигида юзага келган янги таълимот тараф-дорлари бўлиб, улар инсон ихтиёри эркинлигини тарғиб этганлар.

37. Ади Грантх - ёки “Грантх соҳиб” аталувчи сикхларнинг муқаддас китоби.

38. Мокша - инсоннинг сансара силсиласи-дан буткул озод бўлиши ҳақидаги индуизм фалса-фий тушунчаларидан бири.

39. Парматма - санскрит тилида “парам”- биричи, “атма” қалб ёки рух маъносини билдириб, индуизмдаги ягона Илоҳнинг номларидан бири.

40. Санкхя - олти кўҳна ҳинд фалсафий тизимидан бирининг номи бўлиб, Бҳагавад-гитадаги таъриф бўйича, бу таълимотда рух ва материянинг ўзаро муносабатлари таҳлил қилинади.

41. Шаманизм - роҳибнинг руҳлар билан ғайритабиий мулоқотда бўлиш ҳолатига асосланган дунёнинг энг ибтидоий даврларига тааллуқли эътиқод тури.

42. Ом - (омкара) ҳиндлар талқинида “Абсо-лют ҳақиқат”ни англатувчи трансцендентал бўғин.

43. Сакхий - диний-фалсафий маънодаги икки мисрадан иборат ҳинд шеърояти жанри.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституция. - Т.: Ўзбекистон, 2012. – 68 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар тўплами, Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. -394 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар тўплами, Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар тўплами, Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон,

1997. – 328 б.

5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тарих. Маърифат. Маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 480 б.
6. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 32 б.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг бўқилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

III. Асосий адабиётлар

1. Очилдиев А. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
2. Ал-Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/ Танланган асарлари. Т. 1. – Т.: Фан, 1968.
3. Ал-Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Ҳиндистон/ Танланган асарлар. Т. II. – Т.: Фан, 1968.
4. Мунавваров З.И. ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – 292 б.
5. Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси // Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
6. Имомназаров М. Огоҳ бўлайлик. – Т.: Академия, 1999. – 162 б.

7. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2000. – 240 б.
8. Мунавваров З.И. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик.– Т.: 1998. – 128 б.
9. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
10. Кароматов Х.С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2008. -664 б.
11. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: 1999. (Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.)
12. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. Конференция материаллари. – Т., 2003. – 172 б.
13. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили: Рисола. – Т.: Академия, 2005. – 31 б.
14. Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. – Т.: 1999.
15. Миллий мафкура ва диний қадриятлар: Илмий-амалий анжуман тезислари. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2000. – 44 б.
16. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКО халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 212 б.
17. Низомиддинов Н. Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. - Т.: Ўз.РФА Давлат Адабиёт музейи, 2010. –Б.625
18. Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. (автореф. дисс. док. ист. наук.) - Т., 1969.
19. Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и в Индии. М.: Наука, 1969.
20. Алаев Л.Б. Социальная структура индийской деревни: /Территория Уттар-Прадеша, XIX в. -М.: Наука, 1976. - 164 с.
21. Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. -М.: Наука, 1968.

22. Антонова К.А. Очерки общественнѣхъ отношений и политическаго строя могольской импе-рии времен Акбара. -М.: Изд-во АНСССР. 1952.
23. Ашрафян К.А. Дели: история и культура. -М.: Наука, 1987.
24. Бонград-Левин Г.М. Древнеиндийская цивилизация. -М., 1980.
25. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
26. Васильев Л.С. История Востока: Учебник для магистров. –М.: Юрайт, 2013. – 429 с.
27. Черниловский З. М. Всеобщая история государства и права. - М.: 1999. - 574с.
28. Графский В.Г. Всеобщая история права и государства. - М.: 2001. -744 с.
29. Гордон Л.А. Религиозно-кастовый состав населения Индии /опыт расчета. М.: 1965, с. 201.
30. Гусева Н.Р. Индуизм: История формирования; Культовая практика. М.: Наука, 1977. - 307с.
31. Низамутдинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений. Т.: Узбекистан. 1969.
32. История государства и права зарубежных стран / Под ред. О.А. Жидкова и Н.А. Крашенниковой. Т. 1 - М.: 2004. – 807 с.
33. Источники права / Под ред. Е.Н. Ляшенко. - Тольятти, 2003. – 114с.
34. Кётлер Ф. Труды по ведийской мифологии. -М.: 1986.
35. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
36. Луния Б.Н. История индийской культуры.-М., 1960.
37. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов – М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004. – 315 б.
38. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.

39. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
40. Тамкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. -М., 1982.
41. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965. – С. 623.
42. Бэшем А.Л. Чудо, которым была Индия - М., 2000. - 614с
43. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.
44. Abbott J. The Keys of Power: A Study of Indian Ritual and Belief. Seacaucus /N.J./: Univ. Books, 1974. - HI, 560 p.170» Administration, Politics and Development in India./Ed. by C.N.Balerao. Bombay: Lalvany Publishing House, 1972. -XXIV, 510 p.
45. Aggarwal P.O. Caste, Religion and Power. New Delhi: Shriram Centre for Industrial Relations, 1971. - XVI, 270
46. Alavi, Seema. *Sepoys And The Company Tradition and transition in Northern India 1770–1830*. Oxford University Press India. 1998. Print.
47. Baines A. Ethnography: Castes and tribes. Strassburg: Trubner, 1912. - 201 p.
48. Bouglé, Célestin. Essays on the Caste System. London: Cambridge UP, 1971. Print.
49. de Lingen, John; Ramsurrun, Pahlad. An Introduction to The Hindu Faith. Sterling Publishers Pvt. Ltd. p. 2. ISBN 978-81-207-4086-0.
50. Dumont, L. Homo hierarchicus: the caste system and its implications. Chicago, IL: The University of Chicago Press, 1970. Print.
51. Ghurye, G. S. *Caste and Race in India*. Bombay: Popular Prakashan, 1969. Print.
52. Hampton, Andrea. "The Untouchables." *Home - CSU, Chico*. Web. 23 Nov. 2010.
53. Hinduism and Buddhism a Comparison. *Essortment Articles: Free Online Articles on Health, Science, Education & More..* Web. 14 Nov. 2010.

54. Hutton, J. H. *Caste in India: Its Nature, Function and Origins*. Bombay: Indian Branch, Oxford UP, 1963. Print.
55. India: Studies in social and political development, 1947-1967. / Ed.: A. Appadurai. - L.: Asia publ. house, 1968. - XVI, 342 p.
56. Kshatriya, Indian Caste. *Free Encyclopedia & Web Portal on Indian Culture & Lifestyle*. 28.
57. Klass M. Caste: The emergence of the South Asian social system. Philadelphia: Institute for the study of human issues, 1980. - XI, 212 p.
58. Muller M. Lectures on the origin and growth of religion. London, 1901, p.277.
59. Ostor, A, L. Fruzzetti, and S. Barnett. (1982). Concepts of a person: kinship, caste, and marriage in India. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1982. Print.
60. Smith, Brian K. *Classifying the Universe: the Ancient Indian Varna System and the Origins of Caste*. New York: Oxford UP, 1994. Print.
61. *Sociology of religion in India*. Rowena Robinson - Social Science - 2004
62. Samuel Huntington. *The Clash of civilizations*. Foreign Affairs. 1993.
63. *The legacy of Muslim rule in India*. Kishori Saran Lal - History – 1992.
64. Velassery, Sebastian. *Casteism and Human Rights: toward an Ontology of the Social Order*. Singapore: Marshall Cavendish Academic, 2005. Print.

IV. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. Burke, Jason. "Godhra train fire verdict prompts tight security measures"//The Guardian (London). Retrieved 24 February 2011.
2. "Godhra verdict: 31 convicted in Sabarmati Express burning case". The Times Of India. Retrieved 24 February 2011

3. "India hit over religious violence". BBC News. Retrieved 2 May 2010.
4. "International Religious Freedom Report 2006 - India". U.S. Department of State. Retrieved 8 Desember 2006.

5. Интернет сайтлари

1. <http://alfate.narod.ru/kasti.htm>
2. http://www.hindunet.org/hindu_history/sudheer_history/religion-1.html
3. <http://www.upenn.edu/registrar/register/PDF/sast.pdf>
4. <http://www.sacred-texts.com/index.htm>